

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

**“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик” факультети**

**"МДХ иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги"
кафедраси**

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

**Билим йўналиши: 07 - Иқтисодий фанлар
Бакалавриат йўналиши: В 5341000 Минтақашунослик**

**Тузувчи: и.ф.н. Ҳақбердиев Қ.Қ.
Такризчи: и.ф.д., проф. Тўхлиев Н.Т.**

**Соат ҳажми - 74
Маъруза - 37
Амалий машғулоти - 37**

Тошкент - 2008

МУНДАРИЖА

- 1-Мавзу. Курснинг предмети ва мақсади. Пулнинг моҳияти ва функциялари
- 2-Мавзу. Пул муомаласи ва пул тизими
- 3-Мавзу. Молия ва молия тизими
- 4-Мавзу. Давлат бюджети
- 5-Мавзу. Солиқлар ва давлат солиқ тизими
- 6-Мавзу. Кредит ва кредит муносабатлари
- 7- Мавзу. Кредит тизими ва унинг ташкилий таркиби. Марказий банк ва унинг функциялари
- 8-Мавзу. Тижорат банклари ва уларнинг операциялари
- 9-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг биржа тизими

1-Мавзу. Курснинг предмети ва мақсади. Пулнинг моҳияти ва функциялари

Режа:

1. Пулнинг объектив зарурлиги ва келиб чиқиши.
2. Пул эквивалентларининг турлари.
3. Пулнинг функциялари.
4. Пул турлари: ҳақиқий ва ҳақиқий пулларнинг ўрнини босувчи қозғоз ва кредит пуллар.

1. Пулнинг объектив зарурлиги ва келиб чиқиши

Пул жуда қадимдан мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқариш кучлари ва товар муносабатларининг ўта юқори ривожланиши натижаси сифатида юзага келди.

Пул - бу ҳўжаликда узлуксиз пайдо бўлаётган ва давом этадиган айирбошлаш жараёнларини таъминлаб берувчи энг қулай ва содда воситадир. Натурал ҳўжалик даврларида ишлаб чиқариш кучларининг ўта паст даражадаги ривожланиши натижасида маҳсулот фақат ҳўжалик ичида истеъмол қилиш учун ишлаб чиқарилган. Айирбошлаш жараёни эса, камдан-кам ҳоллардагина, ортиб қолган маҳсулотлар эвазига амалга оширилган.

Меҳнат тақсимои (чорвачилик, дехқончилиқ, ва ҳунармандчилиқнинг ажралиб чиқиши) меҳнат натижаси бўлган маҳсулотларни энди мунтазам шаклда айирбошлашга замин яратди ва товар ишлаб чиқаришига асос солинди. *Айирбошлаш* деб эквивалент қийматга, тенг сифат ва миқдор ўлчамларига эга бўлган товарларни бир товар ишлаб чиқарувчидан иккинчисига томон ҳаракатига айтилади. Демак, айирбошлаш жараёнилари меҳнат тақсимои натижасида вужудга келади. Меҳнат тақсимои ҳўжаликдаги ишлаб чиқарувчилар ўртасида (якка ишлаб чиқарувчилар ва тармоқлар) иқтисодий алоҳидалиқни келтириб чиқаради. Иқтисодий алоҳидалиқ эса ишлаб чиқарувчилар ўртасида айирбошлашга эҳтиёж туғдиради. Айирбошлашга бўлган эҳтиёж пул муносабатларининг пайдо бўлишига ва такомиллашувига олиб келади. Пул пайдо бўлишигача бўлган ҳолатни *натурал ҳўжалиқ* ва ундан кейинги ҳолатни *товар ишлаб чиқариш ҳўжалиғи* ёки пул ҳўжалиғи, деб аталади.

Куйида пулнинг иқтисодий адабиётларда кўп учрайдиган таърифларини келтирамиз:

- *пул. бу умумий эквивалент* (дарсликлар муаллифлари томонидан кенг қўлланилади);

- *пул бу махсус товар* (молиявий адабиётларда келтирилади);

- *пул бу инсонлар келишуви натижаси* (Ғарб муаллифлари томонидан қўлланилади, жумладан “Экономикс”да ифодаланган);

- *пул бу стихияни равишида ажралиб чиққан товар* (К. Маркс томонидан берилган таъриф, бу собиқ Иттифок пайтида иқтисодий адабиётларда кенг қўлланилган).

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, пулга қуйидагича умумлаштирилган таъриф бериш мумкин.

Пул - бу ўзига хос товар бўлиб, у умумий эквивалент, ҳар қандай товар қийматини шартли ўлчовчи восита, мустақил айирбошлаш қийматига эга бўлган иқтисодий категориядир. У бир вақтнинг ўзида ҳам капитал, ҳам молия активлари ва шунингдек, мажбуриятларни мужассам этувчи, қийматни баҳолаш имконини берувчи универсал ликвидлилик воситасидир.

Пул моҳиятига кўра махсус товар бўлиб, унда мужассам бўлган айирбошлаш қиймати унинг бошқа товарлардан ажралиб турувчи хусусиятига киради. Товарларда мужассам бўлган ягона асос - уларнинг *қийматидир*. Турли шакл, оғирлик, сифатларга эга бўлган товарларни фақатгина уни ишлаб чиқаришга сарф этилган ва товарда моддийлашган ижтимоий меҳнат миқдориغا қараб бир-бирига солиштириш имконига эга бўламиз. Бир товар бошқа бир товарга айирбошланаётганда жамият ушбу товарларга меҳнат сарф этилганини тасдиқлайди. Яъни, иккала товарнинг ҳам қийматга эга эканлиги тан олинади.

Маълумки, турли товарларни ишлаб чиқаришда ҳар хил миқдорда меҳнат сарф қилинади. Демак, товарлар ҳам турли миқдорда қийматларга эга бўлади. Шу сабабли, уларга қилинган ижтимоий меҳнат ёки қийматнинг миқдорини ўлчаш эҳтиёжи биринчи ўринга чиқади. Яъни, *айирбошлаш қиймати* тушунчаси пайдо бўлади.

Айирбошлаш қиймати деб, товарнинг бошқа товарларга маълум бир пропорцияда алмашина олиш қобилиятига айтилади. Масалан, 3 коп буғдой 1 қўйга тенг бўлади.

Истеъмол қиймати деб, товарнинг инсон эҳтиёжини қондира олиш қобилиятига айтилади. Демак, айирбошлашга мўлжалланмаган товар фақат истеъмол қийматига эга. Айирбошлаш жараёнида товарда юқорида келтирилган иккала қиймат ҳам мужассам бўлиши шарт. Узоқ ривожланиш натижасида бирор бир товар бошқа товардан фарқли ўлароқ, ҳамма товарларга нисбатан қулай ва содда айирбошланиш қобилиятини ўзида акс эттира бошлайди ва пул вазифасини бажарувчи махсус товар мақомига эга бўлади.

2. Пул эквивалентлари турлари

Товар хўжалиги ривожлана бориши билан ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз товарини бозорга айирбошлаш учун олиб чиқар экан уни ҳамма товарларга қулай ва содда айирбошлана оладиган товарга яъни, *умумий эквивалентга* алмаштиришга ҳаракат қилади. Географик, иқлим, ва бошқа омиллар таъсирида умумий эквивалент ролини уй ҳайвонлари, мўйна, ҳайвон суяклари, тери, айрим ҳолларда асирлар, қуллар ва бошқа товарлар ўйнай бошлади. Товар хўжалигининг тез ривожланиши натижасида ушбу товарлар умумий эквивалент сифатида ўзоқ сақланиб қола олмадилар ва вақт ўтиши билан товар хўжалигига ва эквивалент алмашинув шарт-шароитларига кўпроқ жавоб бера олувчи товар – металл асосида тайёрланган танга пуллар асосий пул эквиваленти ролини ўйнай бошлади.

Ишлаб чиқариш жараёнига пар ва сув энергиясидан фойдаланиши ва фан-техника тараққиётининг жадал кириб еклиши мамлакатларда товар хўжалиги ҳажмларини қисқа муддатларда бир неча баробар ошириш имкониятларини яратди. Асосан олтин ва қумуш асосида шаклланган пул тизимининг унга хизмат кўрсатиш имкониятлари эса қимматбаҳо металлларни қазиб олиш имкониятлари билан чекланиб қолди. Бу эса ўз навбатида металлга асосланган пул тизимининг инқирозли томонларини яққол намоён қилди. Банк институтларини фаол ривожланиши, хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги қарз муносабатларини (вексел, кредит) ривожланиши кредит пул деб ном олган нақд ва нақсиз пул муомаласига асос солди. Бу эмиссион пул тизими бўлиб муомалага

қарз мажбуриятларини эмиссия (чиқариш) қилиш тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқишни ва жорий қилишни тақозо қилди.

Инсоният иқтисодий тараққиётида ўз бошидан 5 хил умумий эквивалент турларини кечирди.

Пул эквивалентлари турлари:

- 1. Товар-ҳисоб.**
- 2. Товар-оғирлик.**
- 3. Металли зарб қилиш.**
- 4. Эмиссион (муомалага пул чиқариш).**
- 5. Электрон депозит пуллар.**

Товар-ҳисоб пул эквивалент даврида пул ролини товар шаклида бўлган ва уларни санаш хусусиятига эга бўлган товарлар ўтай бошлаган. Биринчи йирик тарихий меҳнат тақсимоти натижасида термачилик ва овчилик фаолият туридан чорвачиликни ажралиб чиқиши товар-ҳисоб пул эквивалентларини келтириб чиқарди. Чорвачилик маҳсулотлари бўлган ўй ҳайвонлари, жумладан, мол, қўй, тери ва ҳоказолар пул ролини бажарган.

Товар-оғирлик тури товар шаклида бўлган ва оғирлик хусияти мужассам бўлган товарлар томонидан бажарилган. Иккинчи йирик тарихий меҳнат тақсимоти натижасида чорвачиликдан деҳқончиликни ажралиб чиқиши товар-оғирлик пул эквивалентларини келтириб чиқарди. Деҳқончилик маҳсулотлари ҳисобланган буғдой, гуруч, арпа ва ҳоказолар пул ролини ўтай бошлаган.

Металли зарб қилиш пул эквивалентларига турли металллардан ягона бир шаклни зарб қилиш эвазига ясалган танга пуллар киритилган.

Эмиссион тизим бугунги кунда ҳамма мамлакатларда кенг жорий этилган бўлиб муомалага қоғоз асосида бажарилган кредит пулларни эмиссия (чиқариш) қилиш жараёнига асосланган.

Электрон-депозит эквивалентлари тизими бугунги кунда илғор технологияларни тез ривожланиши натижасида ҳаётимизга кириб келаётган пул ҳаракатланишининг электрон воситалари орқали амалга оширилишини кўзда тутди. Банк қарточкалари бунга мисол бўла олади.

4. Пулнинг функциялари

Пулнинг моҳияти унинг функцияларида ўз аксини топган:

1 - функцияси - *қиймат упчови*. Яъни пул умумий эквивалент кўринишида бўлиб қолган ҳамма товарларни қийматини ўзида акс этади ва таққослаш натижасида ўлчаш имконини беради. *Нархлар масштаби* ушбу функцияни бажаришда қўлланилади. Демак *наrxлар масштаби* бу пул бирлигидаги металл миқдоридир. Ҳозирги кунда бундай тушунча эскирган бўлиб, нархлар масштаби деганда ҳар бир мамлакатдаги пул бирликларини тўзилиши тамойили тушунилади. Мисол учун 1 АҚШ доллари 100 центдан, 1 сўм 100 тийиндан иборат ва ҳоказо.

2 функцияси - *муомала воситаси*. Бунда айирбошлаш жараёнида пулнинг реал равишда қатнашуви: Товар-Пул-Товар кетма-кетлигида, яъни пул бу ерда воситачи ролини бажаради.

3. *жамғариш* - функцияси. Пул умумий эквивалент кўринишида ўзида бойликни мужассам этади ва пул эгалари уларни ўзларида сақлашга бўлган эҳтиёжларни қондирадилар.

4. функцияси - *тўлов воситаси*. Ушбу функцияни пайдо бўлиши сабаби - товарни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнлари орасидаги ўзилишларни мавжудлиги. Бунга мисол кредит ва қарз муносабатлари бўлиши мумкин.

5. функцияси - *дунё пуллари*. Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар, ҳалқаро қарз муносабатлари, ташқи партнёрга хизмат кўрсатиш эҳтиёжи дунё пуллари пайдо бўлишига сабаб бўлади.

5. Пул турлари: ҳақиқий ва ҳақиқий пулларни ўрнини босувчи қоғоз пуллар ва кредит пуллар

Пуллар ўз ривожланишида икки хил кўринишида қатнашадилар:

Ҳақиқий пуллар ва қиймат белгилари (ҳақиқий пулларни ўрнини босувчилар).

Ҳақиқий пуллар. Уларнинг ички реал қиймати номинал қиймати билан тенг бўлади. Бунга мисол асосан металлдан тайёрланган пуллар бўла олади. Тангаларга хос бўлган нарсалар

уларни оғирлигидир. Пул тизимини ривожланишини натижасида тангалар қонунда белгиланган ташқи хусусиятларига эга бўлди.

Молиячилар тилида тангани олд томонини *Аверс*, орқа томони *Реверс* ва айланасини *Гурт* деб аталади. Энг биринчи танга пуллар бундан 26 аср олдин қадимги Хитойда учрайди.

Қиймат белгилари деб уларнинг *номинал* қиймати *ички* (реал) қийматидан яъни уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлардан юқори бўлган пулларга айтилади. Бунга ўз қийматини қисман йўқотган олтин тангалар, чақа тангалар (яъни арзон металллардан: бронза, алюминий, мисдан тайёрланган) мисол бўлади. Одатда асоси қоғоздан тайёрланган пуллар *қиймат белгиларидир*. Ушбу қиймат белгилари ўз навбатида *қоғоз пуллар* ва *кредит пулларга* бўлинади.

Қоғоз пуллар - тарихан муомалада бўлган ҳақиқий пулларни вакили сифатида пайдо бўлган ва улар фақат давлат хазинаси томонидан бюджет камомадини қоплаш учун ишлатилган. Одатда улар олтинга алмаштирилмаган ва давлат томонидан мажбурий курс билан таъминланган (бажарадиган функцияси фақат муомала ва тўлов воситалари).

Кредит пуллар - товар ишлаб чиқарувини ривожланиши ушбу пулларни пайдо бўлишига олиб келди, асосий сабаби кредит муносабатларини ривожланишидир. Кредит пуллар куйидаги ривожланиш босқичларидан ўтган: вексель, акцептланган вексель, банкнота, чек, электрон пуллар, кредит карточкалари.

Вексель - бу қарздорнинг ёзма равишда тўлов мажбуриятини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоздир.

Векселлар *оддий* - яъни қарздор томонидан ёзиладиган ва *траттага* бўлинади, яъни қарз берувчи томонидан ёзилади ва тасдиқловчи ёзув орқали учинчи шахсларга ўтиши мумкин. Агар вексель банк томонидан тўлаш кафолати билан таъминланганда бу вексель акцептли вексель ҳисобланиб унинг хавфсизлиги янада ортади. (Векселнинг ноқулайлиги - фақат улгуржи савдода амал қилади ва фаолият кўрсатиш муддати чекланган бўлади).

Кредит пулларнинг кейинги тури банкнотадир.

Банкнота - фақат марказий эмиссион банклар томонидан муомалага чиқарилиб моҳиятига кўра у *банк вексели* ҳисобланади. Илк банкноталарни таъминланганлиги ўта юқори бўлган. Биринчидан, товар муносабатлари билан таъминланган векселларни ҳисобга олиш орқали ва иккинчидан Марказий эмиссион банкнинг олтин захираси билан таъминланган. Бугунги кундаги банкноталар олтинга алмаштирилмайди ва Марказий банкнинг ижтимоий кафолати билан таъминланган.

Банкнотанинг векселдан фарқи томони унинг муддатсизлиги ва асосан чакана савдо соҳасида айирбошлаш муносабатларини таъминлашга мўлжалланганлигидир.

Чек - белгиланган тартибдаги пул ҳужжати бўлиб, жамғарма ёки ҳисоб варақаси эгасининг кредит ташкилоти номига чек эгаси учун белгиланган суммани тўлаш талабномасидир.

Электрон пуллар ва кредит карточкалари эмиссион пул тизимининг замонавий электрон алоқа воситалари асосида муомала этиш шаклидир. Ушбу эмиссион пул шакллари телекоммуникация тизими орқали фаолият кўрсатгани учун уларни амалиётга кенг жорий этиш масалалари мамлакатда ривожланган алоқа воситалари ва уни ташкил этишда етарли малакали кадрлар мавжудлигига боғлиқ бўлиб қолади. Шу сабабли, электрон пуллар орқали ҳисоб-китоб амалиётлари бугунги кунда асосан, ривожланган мамлакатларда кенг тарқалди. Ўзбекистонда ҳам электрон пуллар муомаласи соҳаси кейинги йилларда бир мунча кенгайди ва эндиликда улар нафақат банклар тизими, супермаркетлар, нуфузли меҳмонхоналарда балки турли дукон, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам жадал суръатлар билан кириб бормокда.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

пул	натурал хўжалик	меҳнат тақсимооти
вексел	пул хўжалиги	айирбошлаш
хўжалик	нархлар масштаби	клиринг
пулнинг функциялари	истеъмолат қиймати	эмиссия
депозит	эквивалент	қиймат белгилари
монометаллизм	ҳақиқий пуллар	тезаврация
биметаллизм	билон пуллари	товар

Назорат саволлари

1. Пул пайдо бўлишининг объектив сабабларини санаб беринг
2. Пул бўйича ўзингизнинг бир нечта таърифларингизни келтиринг.
3. Пулнинг ҳозирги кундаги хусусиятларини тушунтиринг.
4. Металл пуллар муомаласи ва кредит пуллар муомаласи даврларида нархлар масибаби тушунчасига таъриф беринг.
5. Ҳақиқий пулларнинг қиймат белгиларидан фарқи нимада?
6. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва келажакда пул тизимида ўзгаришлар қай йўналишида бориши мумкин?

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Асқарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.

12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацканян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.

34. Ўзбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС. 2003 с. 799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф. Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004
51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

2-Мавзу. Пул муомаласи ва пул тизими

Режа:

1. *Пул муомаласи тушунчаси.*
2. *Нақд ва нақдсиз пул муомаласи.*
3. *Пул тизими ва уни элементлари, пул массаси.*
4. *Инфляция ва уни кўриниш шакллари, инфляцияга қарши тадбирлар.*

1. Пул муомаласи тушунчаси

Турли-туман айирбошлаш жараёнларида пул ўз қийматини ўзгартириб ҳар доим учта субъект: жисмоний шахслар, хўжалик юритувчилар ва давлат ўртасида мунтазам ҳаракатда бўлади. Пулнинг ўз функция-ларини бажаришида нақд ва нақдсиз кўринишидаги ҳаракатига *пул муомаласи* деб аталади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва товар ишлаб чиқаришини ривожланиши пул муомаласини асосини ташкил этади. Пул муомаласи пайдо бўлиши учун айирбошлаш жараёнида қатнашувчи бирор бир томонни пулга бўлган эҳтиёжи вужудга келиши лозим.

Олди-сотди, муомала ва тўлов жараёнларида пулга талаб вужудга келади. Ушбу талаб эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг номинал нархига боғлиқ. Товар ва хизматларнинг пул қиймати қанча юқори бўлса, олди-сотди муносабатларини таъминлашда шунча кўп пул миқдори талаб қилинади. Турли кўринишдаги жамғариш операциялари ҳам пулга бўлган талабни оширади.

2. Нақд ва нақдсиз пул муомаласи

Пул муомаласи икки кўринишда амалга оширилади: *нақд* ва *нақдсиз* пул муомаласи.

Муомала соҳасида пулларни икки: тўлов ва муомала воситаси функциясини бажаришдаги ҳаракатига *нақд пул муомаласи* дейилади.

Нақд пуллар товарларни айирбошлашда товар ва хизматлар билан боғлиқ бўлмаган тўловларда: ойлик, нафақа, суғурта тўловларида ва бошқаларда ишлатилади.

Нақд пул муомаласи маълум бир вақт давомида қуйидаги субъектлар ўртасида амалга ошириладиган тўлов ҳаракатларини ўз ичига олади:

- аҳоли ва юридик шахслар;
- аҳоли ва давлат органлари;
- юридик шахслар ўртасида;
- жисмоний шахслар ўртасида;
- юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида.

Нақд пул ҳаракати турли хил қўринишдаги пуллар орқали амалга оширилади: банкнота, металл тангалар, бошқа кредит инструментлари (вексель, банк векселлари, чеклар, кредит карточкалари).

Нақд пуллар эмиссияси Марказий эмиссион банк томонидан амалга оширилади. Марказий банк ўз ваколатидан келиб чиқиб мамлакат пул тизимида нақд пулларни киритади ва пуллар ташқи қўриниши ҳолати бўзилганда уларни муомаладан чиқаради, керакли ҳолларда янги пул ва тангалар намуналарини жорий этади. Ўзининг ҳажмига қўра нақд пуллар банк ҳисоб варақаларидаги нақдсиз пуллар ҳажмидан анча кичик бўлади. Замонавий шароитларда банкнота ва тангалар барча пул маблағларининг тахминан 10% ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон пул тизимида инфляция жараёнларини жиловлаш ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида нақд пул муомаласи ҳажмини чеклаш тадбирлари кенг қўлланилмоқда.

Қийматни нақд пуллар қатнашмасдан амалга ошириладиган ҳаракатига *нақдсиз пул муомаласи* деб айтилади. Кредит ташкилотларининг ҳисоб варақларидан пулни кўчирилиши, ўзаро қарзларни коплаш амаллари шунга мисол бўла олади.

Нақдсиз пул муомаласи чеклар, векселлар, кредит карточкалар ва бошқа кредит воситалари орқали жорий этилади. Нақдсиз пул муомаласи:

- кредит ташкилотларида ҳисоб варақлари бўлган турли мулк шаклидаги корхона, ташкилотлар ўртасида амалга оширилади;
- олинган кредитларни ўзиш мақсадида юридик шахслар ва кредит ташкилотлари ўртасида;

- маош ва қимматли қоғозлар буйича даромадлар тўлаш мақсадида юридик шахслар ва аҳоли ўртасида;

- солиқлар, тўловлар ва бошқа мажбуриятларни тўлаш, бюджетдан маблағлар олиш мақсадида жисмоний, юридик шахслар билан давлат хазинаси ўртасида.

Нақдсиз пул муомаласи хажми мамлакатдаги товарлар хажми, нархлар даражаси ва молия тизимидаги тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларининг даражасига боғлиқдир. Нақдсиз пул муомаласи муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб у айланма маблағларни тезроқ айланишига, муомала харажатларини камайтишига ва нақд пуллар миқдорини пасайтишига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда нақдсиз пул муомаласи қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади ва тартибга солиб турилади.

Нақд ва нақдсиз пул муомаласи ўртасида чуқур боғлиқлик мавжуд. Пуллар мунтазам равишда бир муомала соҳасидан бошқасига ўтиб ўз шакллари алаштириб турилади. Нақд пулларни кредит ташкилотидаги ҳисоб варақасига жойлаштириш натижасида нақдсиз пул муомаласи вужудга келади. Демак, нақд ва нақдсиз пул муомаласи бир номдаги пулга асосланган мамлакатни ягона пул тизимини ташкил этади.

3. Пул тизими ва унинг элементлари, пул массаси

Пул тизими деб ҳар бир мамлакатда тарихий шаклланган ва қонунчилик томонидан белгиланган пул муомаласини ташкил этиш шакли ва фаолият кўрсатиш тартибига айтилади. Пул тизимида давлат **пул бирлиги** (сўм, доллар, евро ва б.) **нархлар масштаби**, муомаладиги **пул белгиларининг турлари**, **эмиссияси**, **таъминлаш** тартибларини, **нақдсиз тўлов айланмаси шакллари**ни ва **миллий валюта курсини** расман белгилайди. Аксарият мамлакатларда қоғоз пуллар ва банкноталар муомаласига асосланган пул тизимлари амал қилади ва бунда нақд пуллар айланмаси соҳасининг торайиб бориши кузатишмоқда.

Пул муомаласини тартибга солиш барча мамлакатлардаги марказий банкларнинг асосий функцияларидир. Унга кўра Марказий банк нафақат пулнинг умумий миқдорини, балки пул

турлари ўртасидаги нисбатларни кузатиб боради. Айрим ҳолларда Марказий банк пул муомаласини тартибга солишда пул бозорига пул белгилари ёки янги қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш йўли билан бевосита таъсир кўрсатади. Амалда эса бозор иқтисодиёти шароитида Марказий банкнинг пул бозорини тартибга солишнинг асосий шакли пул муомаласига билвосита, яъни тижорат банклари ва кредит институтларининг кредит қобилиятига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Пул массаси - бу товар ва хизматлар айланишини, хўжалик субъектлари ва давлатнинг иқтисодий алоқаларини таъминлаб берувчи нақд ва нақдсиз шаклларда бўлган (харид, тўлов ва жамғариладиган маблағлар) барча пул маблағларининг тўпламидир. Пул массаси таркибида хўжалик алоқаларига бевосита хизмат кўрсатувчи **актив қисмини** ва потенциал ҳисобкитоб воситаси бўла олиши мумкин бўлган пул жамғармалари ва ҳисоб варақаларидаги қолдиқлар кўринишидаги **пассив қисмларини** ажратиш мумкин.

Пул базасини Марказий банк томонидан чиқарилган нақд пуллар, банклар томонидан Марказий банкдаги мажбурий захиралар ҳисобидаги маблағларнинг қолдиқлари, банкларнинг Марказий банкдаги ва корреспондент ҳисоб варақаларидаги маблағларнинг қолдиқлари ва корхона, ташкилотларнинг кўчирилувчи ва муддатли депозитлари ташкил қилади.

Иқтисодиётдаги айирбошлаш ва тўловларни амалга ошириш учун етарли жами пул массаси банк сектори томонидан яратилаётган пулнинг таклифи ва пул талабига, яъни нобанк секторининг маълум пул миқдорини нақд пул ёки талаб қилиб олгунгача жамғармаларга эгалик қилишига боғлиқ. Пул таклифи ва пулга бўлган талаб пул бозорининг асосини ташкил этади.

Пул таклифини тавсифлашда жаҳон мамлакатлари амалиётида кенг тарқалган пулнинг макро агрегатлари бўлган: **М₀, М₁, М₂, М₃, М₄, ва L** кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар бир-биридан **ликвидлилиги** нуқтаи назаридан, яъни уларнинг нақд пул кўринишига ўта олиш суръатига қараб ажратилади. Ўзбекистонда пул массаси агрегатларининг **М₀, М₁, М₂ ва М₃** кўрсаткичларидан фойдаланилади.

М₀ агрегати - пул массасининг энг юқори ликвидли қисми бўлиб тўлов воситаси сифатида тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга. Ўз ичига жисмоний шахсларнинг қўлида ва юридик шахсларнинг кассаларида бўлган банкнота ва тангаларни олади.

М₁ агрегати – ўз ичига М₀ агрегатини киритган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларида жорий, депозит ва бошқа талаб қилиб олгунгача бўлган ҳисоб варақаларидаги маблағларни қамраб олади.

М₂ агрегати (пул массаси) – ўзида М₁ агрегатини киритган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларидаги муддатли депозитларда сақланаётган маблағларни қамраб олади.

М₃ агрегати (кенгайтирилган пул массаси) – ўзида М₂ агрегатини киритган ҳолда нобанк кредит ташкилотларда сақланаётган мақсадли жамғармаларни қамраб олади.

Пулнинг таклифи пул мультипликатори ёрдамида ҳисобланади ва у орқали пул базаси (Марказий банкнинг пуллари) ўзгарган тақдирда пул массасининг ҳажми қанча миқдорда ўзгариши аниқланади.

Пул массаси ва бозордаги товар ва хизматлар ўртасидаги нисбат пулнинг харид қилиш қобилиятини белгилайди. Бошқача айтганда пул бирлигига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори тушунилади. Шунга қўра нархлар даражаси ошиб бориши билан пулнинг харид қилиш қобилияти пасайиб боради ва унинг тескараси - нархлар даражасининг пасайиши, пулнинг харид қилиш қобилиятининг кўтарилишига олиб келади.

Пул бозорининг яна бир муҳим компоненти бу пулга бўлган талабдир. **Пулга бўлган таклиф** икки жиҳатда номоён бўлади. Биринчиси, муомала воситаси сифатида, яъни битимларни амалга ошириш учун пулга талаб (трансакцион талаб). Иккинчиси бойликларни сақлаш воситаси сифатида, яъни, турли хил молиявий активларни сотиб олиш учун пулга талаб (облигация, акция ва бошқалар). Биринчи ҳолат, энг аввало, жамиятнинг умумий пул даромади даражаси билан белгиланади ва ЯИМга пропорционал равишда ўзгаради. Иккинчи ҳолат дивидендлар ёки фоизлар кўринишида даромад олишга интилиш билан белгиланиб мамлакатдаги фоиз ставкаларига тескари пропорционал равишда ўзгаради.

Пул бозори молиявий бозорнинг бўлаги бўлиб унинг доирасида пулга бўлган талаб ва пул таклифи фоиз ставкалари даражасини ёки пулнинг “нархини” белгилайди. Пул бозорининг фаолият кўрсатиши иқтисодиётининг умумий ҳолати таъсирида кечади ва пул муомаласи тизимининг мувозанатлашувида ўз аксини топади.

4. Инфляция ва унинг кўриниши шакллари, антиинфляция тадбирлари

Инфляция - бу пул тизимининг инқироздаги ҳолатидир. Инфляция тушунчаси пул тизимига нисбатан XIX асрнинг ўрталарида ишлатила бошланди.

Ўзоқ вақт мобайнида инфляцияни монетар ҳодиса деб тушунилиб ва бунда пулни қадрсизланиши ва товарлар нархини ошиши кўзда тутилар эди. Ҳозиргача кўпчилик муаллифлар инфляцияни иқтисодиётдаги умумий нархлар даражасининг ошиши билан боғлайдилар.

Замонавий инфляция фақатгина пулнинг харид қилиш қобилиятини тушиши билан эмас балки, иқтисодда рўй бераётган умумий негатив жараёнлар билан чамбарчас боғланган.

Инфляциянинг энг биринчи сабаби - бу халқ хўжалиги соҳалари ўртасидаги номутаносибликлардир: яъни, жамғариш ва истеъмол, талаб ва таклиф, давлат даромадлари ва харажатлари, муомаладаги пул массаси ва пулга бўлган эҳтиёжлар ўртасидаги боғлиқликларни издан чиқишидир.

Инфляциянинг ички ва ташқи омилларини ҳам айтиш жоиздир. *Ички омилга* - монетар сабаблар таъсир кўрсатса, *ташқи омил* ўз ичига умумжаҳон таркибий инқирозларини (хом-ашё, энергетика, валюта) олади.

Инфляция қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- товар ва хизматларни нархларини ошиши натижасида пулни харид қобилиятини тушиши;

- миллий пул бирлиги курсини чет эл валютасига нисбатан пасайиши;

- пул бирлигида белгиланган олтин нархининг ўсиши.

Инфляция турлари. Бозорда нархларни ўсиш суръатига қараб:

- ◀ судралувчи - йиллик 3-4 %.
- ◀ юкори - йиллик 10-50 %.
- ◀ гиперинфляция - қисқа муддатларда намоён бўлувчи йиллик 100 ва ундан ортиқ фоиздаги турларига бўлинади.

Сабабларига кўра *талаб инфляциясига* ва *ишлаб чиқариш харажатлари инфляцияларига* бўлинувчи типлари мавжуд.

Инфляция даражасини аниқлаш учун *нархлар индекси кўрсаткичи* ишлатилади. Нархлар индекси пулни бир муддатдаги маҳсулотлар саватини ҳарид қобилияти билан уларни базавий муддатдаги қобилиятига нисбати тушунилади.

2005 йилда нархлар индекси қ $\frac{\text{"истеъмол саватини" 2005 й.ги бозор нархи}}{\text{"истеъмол саватини" 2004 й.ги бозор нархи}}$

Инфляцияга қарши (антиинфляция) сиёсат деб давлатни инфляция жараёнларини жиловлашга йуналтирилган иқтисодни тартибга солиш тадбирлари мажмуаси тушунилади. Бугунги кунда икки йуналиш кўзга ташланади: дефляция сиёсати ва даромадлар сиёсати.

Дефляция сиёсати пулга бўлган талабни пул-кредит ва солиқ механизми орқали давлат харажатларини камайтириш, кредит фоиз ставкаларини ошириш, пул массасини чеклаш йули билан амалга оширилади. Одатда, ушбу сиёсат иқтисодий ўсиш суръатларини пасайишига олиб келади.

Даромадлар сиёсати нархлар ва иш хақи ўсишини чеклаш орқали назорат ўрнатишни кўзда тутди. Одатда ушбу сиёсат ижтимоий қийинчиликлар авж олишига таъсир кўрсатади.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

нақд пул	вексел	пул массаси ва унинг
нақдсиз пул	пул тизими	агрегатлари
пул муомаласи	пул тизими элементлари	пул айланиши тезлиги
тўлов	клиринг	эмиссия
банкнота	биметаллизм	инфляция
кредит воситалари	монометаллизм	дефляция
зарур пул миқдори	миллий валюта	антиинфляция сиёсати

Назорат саволлари

1. *Пул муомаласи тушунчасига тавсиф беринг.*
2. *Нақд пул ва нақдсиз пул муомалалари фарқларини кўрсатинг.*
3. *Пул массасининг ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб беринг.*
4. *Замонавий пул тизими элементлари нималардан иборат?*
5. *Инфляция нима ва унинг қандай кўринишларини биласиз?*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг якунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Халқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Аскарлова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудит-информ. 2001. – 496 б.

14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацкян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишинг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.

37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 кисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004
51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

3-Мавзу. Молия ва молия тизими

Режа:

1. *Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг функциялари.*
2. *Молиянинг кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришдаги роли.*
3. *Молия тизими ва унинг асосий бўғинлари.*
4. *Молия сиёсати.*

1. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг функциялари

Financia - (итал.) - тўлов маъносини англатади. Молиянинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари давлат функциялари ва мавжуд иқтисодий тизум билан белгиланади. Молия тарихий категориядир. У давлат пайдо бўлиши билан бир вақтда вужудга кела бошлади. Капиталистик тўзумгача бўлган даврларда давлатнинг турли эҳтиёжлари аҳолига натурал тўловлар ва мажбуриятлар жорий этиш орқали қондирилар эди.

Пул хўжалигининг гуркираб ривожланиши натижасида ҳозирда *молия* миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларида турли пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Яъни *молия* бу давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирил-маган пул фондларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнларидир.

Демак, илк давлатчилик даврида молиявий муносабатлар асосан натурал тўлов шаклида амалга оширилган Товар хўжалигининг ривожланиши натижасида замонавий молия муносабатлари объектив равишда пул тўловлари шаклида амалга оширилади ва ҳозирда молия деб фақат пул тўлови тушунилади.

Молия пул тўлови шаклида амалга оширилсада молиянинг пулдан фарқли томонлари мавжуд.

Пул - аввало бу - умумий эквивалент ва унинг ёрдамида ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари ўлчанади. Молия эса - ЯИМ, миллий даромад (МД) ни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш

воситаси, пул маблағлари фондларини шаклланишини, ишлатилишини назорат этиш қуролидир.

Молиянинг моҳияти унинг функцияларида ўз аксини топади. *Молиянинг функциялари.*

Тақсимлаш функцияси. Молия муносабатлари орқали миллий даромадни тақсимланиши натижасида иқтисодиётда *асосий ёки бирламчи даромадлар* яратилади.

Асосий даромадлар МД моддий ишлаб чиқариш қатнашувчилари ўртасида тақсимланиши натижасида шаклланади. Асосий даромадлар иккига бўлинади:

1) ишчилар, хизматчилар, иш ҳақлари, деҳқон ва фермерларнинг даромадлари.

2) Моддий соҳа корхоналари даромадлари.

Миллий даромад тақсимланиши натижасида ишлаб чиқариш қатнашчилари ўз улушларига мос равишда рағбатлантирилсаларда, лекин асосий даромадлар қуйидаги вазифаларни бажариш учун тегишли пул фондларини ташкил этиш жараёнидан ташқарида қолади:

- ◀ халқ хўжалигининг устувор тармоқларини ривожлантириш;
- ◀ мамлакатнинг муҳофаа қобилятини таъминлаш;
- ◀ аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш.

Шу сабабдан МД ни қайта тақсимлаш зарур.

Молиянинг қайта тақсимлаш функцияси *мавжудлигининг сабаблари:*

- яратилган даромадларни тармоқлар, ҳудудлар ўртасида унумли ва рационал ишлатилишга бўлган эҳтиёж;
- моддий соҳа билан бирга даромад яратмайдиган номоддий соҳа мавжудлиги ва улар фаолиятларини молиявий таъминлашга бўлган эҳтиёж (таълим, бошқарув, медицина, ижтимоий таъминот);
- турли хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш.

Қайта тақсимлаш функцияси мамлакатнинг солиқ тизими ва бюджет тизимининг даромадлар ва харажатлар қисмлари орқали амалга оширилади.

Назорат функцияси. ЯИМ керакли фондларга тақсимланиши ва уларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнларини назорат қилишда ўз аксини топади.

Бошқарув (тартибга солиш) функцияси давлатни молия воситалари орқали (давлат харажатлари, солиқлар, давлат кредити) қайта ишлаб чиқариш жараёнларига аралашуви билан боғлиқ.

2. Молиянинг кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришдаги роли

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш қуйидаги жараёнларни тўхтовсиз қайтарилиб ва кенгайиб туриши эвазига амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш фондларини кенгайиши;
- ЯИМ ва унинг асосий қисми МД ни ўсиши;
- иш кучини ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқарилиши. Ушбу жараён товар-пул, молиявий ва кредит муносабатларидан фойдаланиш натижасида фаолият кўрсатади. ЯИМ ни қайта ишлаб чиқаришда давлат молияси ва корхоналар молиясининг роли жуда каттадир.

Давлат алоҳида тармоқ ва корхоналарни молиялаштириш, ижтимоий мақсадларга харажатлар ажратиш ва солиқ сиёсати юргизиш орқали қайта ишлаш жараёнига таъсир ўтказади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари кечаётган даврда давлат молияси ислохотлар қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилгандир. Жумладан, бюджет тизими иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жорий этишда, илмий-техника тарраққиётини жадаллаштиришда, ишлаб чиқариш унумдорлигини ва аҳоли яшаш даражасини оширишга йуналтирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан жадал инвестицион фаолият олиб борилмокда. Бозорга ўтишнинг Ўзбек моделини асосини ҳам давлат молияси томонидан базавий ва устувор тармоқларни тўғридан тўғри қўллаб қувватлаш услуги ташкил этади. Мустақиллик даврида ишга тушган ва ишга тушиши мулължалланаётган кўплаб йирик индустрия корхоналари шулар жумласидандир. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига қуйилаётган инвестицияларнинг ЯИМ га нисбати

бошқа бозор иқтисодиётига ўтаётган МДХ ва Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юқори сақланиб келинмоқда.

3. Молия тизими ва унинг асосий бўғинлари

Давлат ва корхоналарнинг пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш тартиби, услублари, тизимига *молия тизими* деб айтилади. Шунингдек, молияни пул маблағлари жамғармаларини ёки молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш юзасидан бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуаси деб таърифлаш мумкин. Бундай муносабатлар ёки алоқалар **молия тизими** – яъни пул маблағлари жамғармаларини яратиш ва фойдаланиши бўйича тартиб ва усуллар, шунингдек, турли молиявий муносабат соҳалари тўплами орқали амалга оширилади. Молия тизими ўзида турли бўғин бюджетларини, ижтимоий, мулкӣ ва шахсий суғуртани, давлат валюта заҳиралари, корхона, ташкилот ва фирмаларнинг пул маблағларини ва бошқа махсус жамғармаларни жамлайди. Ташкилий жиҳатдан у мамлакатдаги барча молия муассасаларини қамраб олади.

Мавжуд сиёсий ва иқтисодий тизим, хўжалик юритиш анъаналари ва андозаларига қараб турли мамлакатларда молия тизимининг турлича таркиблари шаклланади. Ривожланган мамлакатлар молия тизими ўз ичига тўртта бўғинни олади: давлат бюджети; маҳаллий молия; махсус нобюджет жамғармалари; давлат коорпорациялари молияси.

Давлат бошқаруви органлари молияси ўз ичига мамлакат бюджет тизими ва давлат кредитини қамраб олган давлат молиясини ташкил қилади. Мамлакат бюджет тизими давлат бюджети ва давлат нобюджет жамғармаларини (биринчи бўғин), минтақалар бюджетларини (иккинчи бўғин) ва маҳаллий бюджетларини ўзига бирлаштиради. Қолган соҳалар молиясига хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли молияси киради. Ўз навбатида молия институтлари марказий банк институтлари, бошқа молия ва кредит институтларидан иборат бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиясини юридик шахслар ўртасидаги (корхоналар ўртасида), юридик шахслар ва давлат,

юридик шахслар ва жисмоний шахслар (аҳоли) ўртасидаги ўзаро молиявий алоқалар тўплами ташкил қилади.

Аҳоли молиясини оила даромади, аҳолининг турли шаклларидаги харажатлари ва жамғармалари ташкил этади.

Давлат молияси бу давлат бошқаруви сектори молияси бўлиб ўз ичига умум иқтисодиётда барча томондан бирдек истёмол қилинадиган нобозор хизматларини етказиш ва миллий даромад ва бойликни тақсимлаш билан шуғулланувчи институционал бирликларни (юридик шахс мақомига эга бўлган ва бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ юритувчи хўжалик бирлиги) ўз ичига олади.

Мазкур бирликларнинг асосий ресурслари бевосита ёки билвосита бошқа секторлардаги хўжалик юритувчилар томонидан тўланадиган мажбурий тўловлардан шаклланади.

Давлат молиясини ташкиллаштириш давлат бошқарув тизими билан белгилаб берилади. Давлат бошқарувининг асосий бирликларига республика, вилоят ва маҳаллий бўғинлардаги қонунчилик ва ижроя ҳокимиятлари, давлат нобюджет жамғармалари, чет элдаги элчихона, консулликлар ва давлатнинг бошқа муассасалари киради.

Ўзбекистон Республикаси миллий молия тизими 1991 йили давлат мустақиллигига эришилган даврдан буён шаклланмоқда ва ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда у халқаро стандартлар асосида ташкил этилган ва шунингдек, миллий хусусиятларни ҳам ўзида қамраб олган.

Марказлашган режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтиш жараёнида миллий молия тизимини шакллантириш билан бир вақтда мустақил мамлакат давлат институтларининг барча мажмуалари яратилиб борилди. Буларга ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик, миллий иқтисодиёт, бошқарув ва бошқалар киради.

Мамлакатнинг моддий, сиёсий асосларини яратиш билан боғлиқ бундай мураккаб жараёнда давлат ва жамиятни барча жабҳаларини тутиб турувчи молия тизими ва молиявий сиёсат юргизиш ўта муҳим роль ўйнайди.

4. Молия сиёсати

Молия сиёсати деб давлатнинг ўз вазифаларини бажаришда молиявий ресурсларни самарали сафарбар этишни таъминлаш бўйича мақсади, уни амалга ошириш воситалари ва тадбирлари мажмуи тушунилади.

Молия сиёсатининг олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- юқори даражада молиявий ресурслар шаклланишига етарли шарт-шароитларни таъминлаш;
- молиявий ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланишни давлат нуктаи назаридан оқилона тартибни жорий этиш;
- иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий услублар билан тартибга солиш ва рағбатлантиришни ташкил этиш;
- иқтисодий ривожланиш стратегиясидаги мақсад ва вазифаларнинг ўзгаришдан келиб чиқиб молия механизмини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;
- молиянинг самарали бошқариш тизимини яратиш.

Молия сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас бўлагидир. Унда миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий йўналишлари аниқлаштирилади, молиявий ресурсларнинг умумий ҳажми, манбалар ва фойдаланиш йўналишлари белгиланади, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни молиявий усуллар билан тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилади. Шу билан бирга молия сиёсати давлатнинг нисбатан мустақил бўлган фаолияти соҳаси бўлиб ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини юргизишнинг муҳим воситасидир.

Молия сиёсатини ишлаб чиқишда жамият ривожланишининг муайян хусусиятларидан келиб чиқиш лозим. Жумладан, ички ва ҳалқаро аҳволни, шунингдек, мамлакатнинг реал иқтисодий ва молиявий имкониятларини ҳисобга олиш шарт.

Мамлакат миқёсида молияни бошқариш давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган Президент ва Олий Мажлис томонидан ҳар йилги бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва уни бўлажак молия йили учун бюджет тўғрисидаги қонун сифатида тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Давлат молия сиёсатини ишлаб чиқарувчи ва молиясини бошқарувчи муҳим молия органи бу **Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги** ва унинг жойлардаги органларидир.

Молия вазирлигининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- давлат молия сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ва бажариш;
- молия ресурсларини ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларига жамлаш;
- чет эл кредитларини иқтисодиётга жалб этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- бюджетни режалаштириш, молиявий назорат массаларини такомиллаштириш.

Мавзунинг ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

Молия	молия бошқаруви	давлат бюджети
йўл фонди	мақсадли фондлар	молия сиёсати
тақсимлаш категорияси	марказлашган фондлар	давлат кредити
бирламчи даромадлар	пенсия фондлари	миллий даромад
ялпи ички маҳсулот	сугурта фондлари	молия тизими

Назорат саволлари

1. *Молияга таъриф беринг.*
2. *Давлат даромадларининг асосий манбалари нималардан иборат?*
3. *Молиявий ресурслар деганда нимани тушунасан?*
4. *Молиянинг функциялари тўғрисида гапириб беринг.*
5. *Молиянинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришдаги роли нимадан иборат?*
6. *Молия тизими бўғинларига тавсиф беринг.*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг яқунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Халқ сўзи 10 февраль 2006 йил.

2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Аскарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.

22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацканян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000

45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004
51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

4-Мавзу. Давлат бюджети

Режа:

1. *Давлат бюджети тушунчаси.*
2. *Давлат бюджетининг асосий функциялари.*
3. *Давлат бюджети таркиби: даромадлари, харажатлари.*
4. *Бюджет дефицити ва уни бартараф этишнинг асосий усуллари.*

1. Давлат бюджети тушунчаси

Бюджет (budget - ингл. тўрва, хуржун). Давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланиб, у давлатнинг асосий даромадлари ва харажатларини бирлаштиради ва ўзида солиқ, давлат кредити ва давлат харажатлари категорияларининг яқдиллигини мужассам этади.

Иқтисодда давлат бюджети тушунчаларидан ташқари муниципал бюджет, оила бюджети, истеъмол бюджети, Геллер бюджети ва бошқа тушунчалар ҳам ишлатилади.

Давлат бюджети – бу давлат вазифаларини, мамлакат ёки тегишли маъмурий – ҳудудий бирлик иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш мақсадида пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг асосий молиявий режасидир. Содда қилиб айтганда у давлатнинг бир молия (бюджет) йилига мўлжалланган харажатлари ва уларни қоплаш манбалари кўрсатилган даромадлар сметасидир. Давлат бюджети асосини давлат бошқарув аппарати, қуrolли кучлар, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий соҳалар харажатларини молиялаштиришга мўлжалланган ҳукуматнинг марказлашган пул маблағлари жамғармаси ташкил қилади. Мамлакат ҳудудида амалда бўлган ва ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқий меъёрларга асосланган барча турдаги бюджетлар тўпламига **бюджет тизими** дейилади. Бюджет тизимининг ташкил этилиши ва тузилиши тамойилларига (яхлитлиги, тўлаллиги, ҳаққонийлиги, ошқоралиги, мустақиллиги)га бюджет тузилмаси деб айтилади.

Давлат маҳаллий бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш бўйича давлат, маҳаллий ҳокимият

органларининг қонунчилик томонидан белгилаб қўйилган фаолиятига **бюджет жараёни** деб айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122 моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Давлат бюджети ўз ичига республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни олади”.

Ўзбекистон Республикасида бюджет сиёсатининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- Иқтисодий ётти инқирозлардан ҳоли этиш;
 - Молиявий барқарорликни таъминлаш;
 - Инвестицион жараёнларни рағбатлантириш ва иқтисодийда жамғариш улушини ошириш;
 - Бюджетнинг моддий соҳа тармоқлари корхоналарига ажратилаётган дотация шаклидаги унумсиз харажатларини камайитириш;
 - Солиқ тўлаш ва солиқ тизимини такомиллаштириш ва назорат қилиш орқали бюджетнинг даромад базасини мустаҳкамлаш;
 - Давлат харажатларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан фаол молиявий назорат ўрнатувчи тизимни яратиш;
 - Давлат қарзи ҳажми устидан назоратни кучайтириш.
- Давлат бюджети олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:
- ЯИМ ва МД ни қайта тақсимлаш;
 - Иқтисодий ётти давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш;
 - Ижтимоий сиёсатни молиялаштириш;
 - Марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва уни ишлатилишини назорат қилиш.

Халқ ҳўжалигида иқтисодий ўсишни ва молиявий барқарорликни таъминлаш давлат бюджети сиёсати олдида турган ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўзига хос бўлган вазифалардандир.

Бугунги кунда давлат бюджети ЯИМни қайта тақсимлашда муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда давлат одатда, ЯИМнинг 20 дан 50 фоизигача қисмини солиқлар ва бошқа давлат даромадлари ва тўловлари шаклида давлат бюджетига сафарбар

этиб давлат харажатлари орқали иқтисодиётни ва инвестицияларни тартибга солади ва рағбатлантиради, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет қурилмаси ҳам бюджет тизимининг ягоналиги, тўлаллиги, ҳаққонийлиги, ошқоралилиги ва унга қириувчи маъмурий-худоудий бюджетларнинг мустақиллиги тамойилларига асосланади. Мамлакат бюджет тизимига унинг мустақил бўлаклари сифатида Республика ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари қиради. Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджетига Давлат мақсадли жамғармалари ҳам қиритилади. 2005 йил 1 декабр ҳолатига кўра мамлакатда 5 та давлат жамғармалари мавжуд бўлиб уларга:

- Молия вазирлиги ҳудоудигади Республика йўл жамғармаси;
- Пенсия жарғармаси;
- Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жарғармаси;
- Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисоб варақаси;
- Мактаб таълими жамғармалари қиради.

Мақсадли давлат жамғармаларини тузиш орқали ҳукумат бюджетга қиритилмаган харажатларни молиялаштириш маблағларини мазкур нобюджет жарғармаларида шакллантиради.

Бюджет харажатлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг тегишли маъмурий-худоудий бирликларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан белгиланиб навбатдаги молия (бюджет) йилида қонунчиликда белгиланган йўналиш ва ҳажмларда амалга оширилади.

Барча маъмурий-худоудий бирликлар бюджетларининг мувозанатлашганлиги мамлакат бюджет-молия сиёсатининг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат бюджети тақчиллигининг чегаравий миқдорлари навбатдаги молия (бюджет) йилида қонун томонидан белгиланади. Жумладан, Олий мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилга мўлжалланган Давлат бюджети бўйича қабул қилинган қарорда “Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига

нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда қабул қилинсин” деб таъкидланади.

Республика бюджетни Олий Мажлис томонидан тасдиқланса, маҳаллий бюджетларни маҳаллий ҳокимият Кенгашлари тасдиқлайдилар. Тасдиқланган ва қонун кучига кирган Давлат бюджетни ҳукумат томонидан белгиланган муддатларда ва миқдорларда амалга оширилиши шарт ҳисобланади.

2. Давлат бюджетининг асосий функциялари

Давлат бюджетининг қуйидаги асосий функциялари мавжуд:

- ЯИМ ва МД ни қайта тақсимлаш;
- иқтисодни давлат томонидан (бошқариш) тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- ижтимоий сиёсатни молиялаштириш;
- марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва уни ишлатилишини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсати иқтисодий ислохотлар жараёнида ўзига хос вазифаларни бошқаришга йўналтирилган: халқ хўжалигини иқтисодий ўсишини ва молиявий барқарорликни таъминлаш. Ҳозирги даврда давлат бюджетни ЯИМ ни қайта тақсимлашда жуда катта ўринни эгаллайди. Ривожланган мамлакатларда одатда ЯИМ ни 20 - 50 % ни давлат бюджетига солиқлар ва бошқа турли тўловлар сифатида сафарбар этилиб давлат харажатлари орқали турли тармоқ, аҳоли қатламлари ва бошқа давлат эҳтиёжларига тақсимланади. Давлат бюджетни билан боғлиқ солиқлар ва харажатлар орқали давлат иқтисодни ва инвестицияларни тартибга солиш ва рағбатлантиради, ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстиради.

Давлат бюджетини *ижтимоий йўналтирилганлиги* иқтисодий ўсишнинг асосий ташкил этувчи унсурларидан бири - инсон омилини ривожланиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ўтиш даврининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган аҳолининг кам таъминланган ва ночор қатламларига нисбатан фаол ижтимоий сиёсатнинг негизи ҳам давлат бюджетидир.

3. Давлат бюджети таркиби: даромадлари, харажатлари

Давлат бюджети икки қисмдан иборат: даромад ва харажатлар қисми.

Давлат бюджети даромадлари қисми. Бугунги кунда деярли ҳар қандай давлатнинг бюджетини тахлили шуни кўрсатадики бюджет даромадларининг асосий манбаи сифатида солиқ тушумлари муҳим ўрин тутди. Умумий даромадларда солиқ тушумларининг улуши 80-90 % ташкил қилади, қолган минимал қисми эса носолиқ тўловлар эвазига тўлдирилади. Бунини биз давлат бюджетини даромад қисмидаги тушумлар манбаларидан кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бюджети бажарилишининг асосий кўрсаткичлари, млрд.сўмда

Йиллар	Даромад		Харажатлар		Сальдо	
	Млрд. с.	ЯИМ %	Млрд. с.	ЯИМ%	Млрд. с.	ЯИМ%
1996	192,9	34,5	203,3	36,4	10,7	-1,9
1997	294,0	29,8	317,8	32,2	23,8	-2,4
1998	438,7	32,3	467,0	34,4	28,3	-2,1
1999	621,8	29,2	658,7	30,9	36,9	-1,7
2000	311,8	28,5	9644,6	29,6	32,8	-1
2001	1265,8	26,0	1329,8	27,0	64,0	-1,0
2002	1882,3	25,2	1949,5	26,1	67,2	-0,9
2003	2342,0	24,2	2376,9	24,6	34,9	-0,4
2004	2749,3	22,5	2743,2	22,9	121,9	-0,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган. // www.mf.uz.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таркиби ва динамикасининг 1996-2004 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатадики мамлакат молия-бюджет тизимида етарли барқарорлик даражаси сақланиб келиноқда. Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий йўналишлари мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида иқтисодиётдаги солиқ юкини изчил камайтиришга йўналтирилди. Хусусан, иқтисодиётдаги солиқ юкки даражасини билвосита кўрсаткичи ҳисобланган давлат бюджетининг ЯИМ га нисбатини сезиларли пасайтиришга эришилди. Давлат бюджетининг ЯИМга нисбати 1996 йили 34,5

фоизга тенг бўлган бўлса, 2004 йили бў кўрсаткич 22,5 фоизни ташкил қилди. Мувофиқ равишда давлат харажатлари миқдори ҳам камайиб 2004 йилда 22,9 фоизга тенг бўлди ва мамлакат бюджетининг мувозанатлашиш даражаси мустаҳкамланди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджетининг тақчиллиги нисбатан паст даражада бўлиб (ЯИМнинг 0,5-2,5 фоиз) молиявий барқарорлаш сиёсати учун мувофиқ келадиган чегараларда ушлаб турилди. 1996 йилдан 1997 йилгача бюджет тақчиллиги 1,9 фоиздан 2,4 фоизгача ўсган бўлса кейинги даврларда унинг муттасил пасайиб бориши кузатилмоқда: 2001 йилда -1,0; 2002 йилда 0,9; 2003 ва 2004 йилларда эса - 0,4 фоиздан ошмади.

Бугунги кунда бюджет тақчиллигини қоплашнинг ноинфляцион усулларида фойдаланишга катта эътибор қаратилган бўлиб Ўзбекистонда унинг режалаштирилган хажми мамлакат ЯИМнинг 1 фоизидан ортмаслиги қонунчиликда қатъий белгилаб қўйилган. Бу эса бюджет тақчиллигининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсирини олдини олади.

**2003-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ижроси
динамикаси, млрд. сум**

Кўрсаткичлар	амалда 2003	амалда 2004	режа 2005
I. Даромадлар, мақсадли жамғармаларсиз – жами	2 342,0	2749,3	3 310,9
1. Бевосита солиқлар	616,9	729,7	865,8
Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	210,5	218 ,5	209,3
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан олинадиган солиқ	-	62,0	67,0
Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ	86,8	74,8	81,0
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	288,2	336,9	465,6
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларига қатъий белгиланадиган солиқ	31,4	37,5	43,1
2. Билвосита солиқлар	1 353,8	1 540,1	1 628,0
Қўшилган қиймат солиғи	535,8	654,9	749,0
Акциз солиғи	693,6	741,2	692,6
Божхона божи	41,0	55,5	66,1
Жисмоний шахслар ягона бож тўлови	45,1	38,5	56,9
Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ	38,3	49,9	63,3
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	222,3	316,8	629,8
Мол-мулк солиғи	71,4	99,8	109,1
Ер солиғи	51,4	71,7	87,4
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	29,8	56,0	333,9

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	8,8	10,9	13,3
Экология солиғи	60,8	78,3	86,1
4. Инфратузилмани ривожлантириш солиғи	40,7	46,5	52,2
5. Бошқа даромадлар	108,3	116,4	135,2
II. Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Иш Билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси, Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб-варағи)	-	964,6	1 274,0
III. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг даромадлари	-	-	146,0
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР		3 714,0	4 730,9

3-жадвал

2003-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари ижроси динамикаси, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	амалда 2003	амалда 2004	режа 2005
I. Харажатлар, мақсадли жамғармаларсиз – жами	2 376, 9	2 743,2	3 464,1
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш харажатлари		1 305,4	1 738 ,9
Маориф	623,0	753,4	991,5
Соғлиқни сақлаш ва спорт	228,7	282,2	377,8
Фан, маданият, оммавий ахборот воситалари	45,9	51,3	77,3
Ижтимоий таъминот	9,5	10,8	13,9
Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш	286,5	21,7	16,0

Оилаларга, шу жумладан болали оилаларга, нафақалар	137,8	167,1	212,9
2. Иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш	323,0	667,0	804,3
3. Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, суд органларива фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари харажатлари	58,7	69,9	95,1
4. Бошқа харажатлар	557,0	700,9	825,9
II. Мақсадли жамғармаларнинг харажатлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Иш Билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси, Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб-варағи)	804,0	936,4	1 274,0
III. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг харажатлари	-	-	146,0
Жами харажатлар	3 180,9	3 679,6	4 884,1
Давлат бюджетининг тақчиллиги		121,9	153,3

Давлат бюджети таркибида билвосита солиқлар улушининг 2003-2005 йиллар давомида барқарор равишда 50% дан ошиқлиги ҳар қандай иқтисодий шароитларда ҳам бюджетнинг юқори даромадлари даражасини таъминлаб бermoқда. Чунки товарларнинг нархидан олинadиган бундай солиқларни йиғиш усули ўзининг соддалиги ва самарали томонлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда олиб бoриладиган давлат харажатлари сийёсатининг ҳозирги даври давлат бюджетининг етарли даражада мувозанатлашишга имкон бeриш билан бирга халқ хўжалигини модернизациялаш ва ўтиш шароитида аҳолини самарали ижтимоий ҳимоялаш каби стратегик вазифаларни бажаришга қаратилгандир.

Бутунги кунда умумий бюджет харажатларида юқори улушга эга бўлган йўналиш ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлиб 2005 йилда унинг улуши жами бюджет харажатларининг 50,1 фоизини ташкил (режа) этмоқди. Ўзбекистоннинг келажagini таъминлашга қаратилган маориф тизими учун харажатлар айниқса юқори бўлиб барча бюджет харажатлари ичида энг йирик улушига (28,6%) эга бўлди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қаратилган марказлашган инвестициялар ҳам юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса ўтиш даврининг мураккаб шарт-шароитларига қарамай мамлакатда ижтимоий барқарорлик, тотувликни таъминлаш ва юқори технологияли, жаҳон андозаларига мос келадиган ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш имкониятини бermoқда.

4. Бюджет дефицити ва уни бартараф этишнинг асосий усуллари

Давлат бюджети молиявий режа бўлиб, у бир йилга тўзилади. Йил бошида қонун чиқарувчи орган томондан тасдиқлангандан сўнг қонун кучига киради ва Молия вазирлиги, Марказий банк, солиқ хизмати, Божхона қўмиталари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети ўз вақтида тасдиқланмаган тақдирда ушбу ташкилотлар ўтган йилги бюджет кўрсаткичлари чегарасида янги бюджет тасдиқдан ўтганга қадар ойма - ой бажарилиб бoрилади ва бу жараён автоматик бюджетни режалаштириш деб юритилади.

Бюджет йили деб бюджетни амалга ошириш муддати тушунилади. Ўзбекистонда ва кўпчилик давлатларда бюджет йили календар йилга мосдир. Яъни 1 январдан 31 декабргача. Баъзи бир давлатларда бюджет йили 1 апрелдан, 1 июлдан, 1 октябрдан бошланади. Бунга сабаб ушбу мамлакатларда мавжуд бўлган тарихий традициялар, мамлакат қонун чиқарувчи органларини катта танаффусдан қайтиб янги иш йилини бошлаши, хосилни йиғиб олиниши ва х. к.

Давлат бюджетни дефицити бюджетнинг харажатлар қисмини даромадлар қисмидан юқори бўлиб кетиши натижасида вужудга келади. Демак, давлат бюджети дефицитини йўқотиш учун энг аввало ушбу фарқни бартараф этиш зарур.

4-жадвал

**2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг
Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари сальдоси
динамикаси (ЯИМ га нисбатан %да)**

Кўрсаткич	Йиллар					
	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.
Давлат бюджети дефицити (-); профицити	-1.0	-1.0	-0.8	-0.4	-0.4	0.1

Давлат бюджети дефицитини тўғатишнинг асосий йўналишлари.

1. Даромадлар қисмини янги солиқлар киритиш, эски солиқлар ставкаларини ошириш ва бошқа даромад келтирувчи йўналишларни излаб топиш йўли.

2. Харажатлар қисмини қайта кўриб чиқиш натижасида камайтириш ёки *секвестрлаш* яъни харажатларни барча йўналишини бир хил пропорцияда қисқартириш, масалан: 10% га.

3. Ички ёки ташқи қарзлар эвазига қоплаш.

Ички қарз. Давлат томонидан чиқариладиган асосан юридик шахсларга сотиладиган Давлат қисқа муддатли облигациялари (3, 6, 12 ойли) ва аҳоли учун чиқариладиган Давлат ички ютукли облигацияларини сотиш натижасида вужудга келади ва даромад дефицитни қоплашга йўналтирилади.

Ташиқи қарз Давлатни Ҳалқаро кредит ташкилотлари хусусий банклар ва давлатлардан оладиган қарзи ёки ёрдами эвазига пайдо бўлиб у ҳам бюджет дефицитини қоплашга йўналтирилади.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

бюджет	бюджет харажатлари	ташки қарз
оила бюджети	бюджет жараёни	давлат облигациялари
бюджет йили	индивидуал бюджет	бюджет камомати
секвестрлаш	Геллер бюджети	давлат бюджети
давлат қарзи	бюджет сиёсати	бюджет даромадлари
ички қарз		

Назорат саволлари

1. *Бюджет тушунчасига тавсиф беринг.*
2. *Бюджет функциялари тўғрисида гапириб беринг.*
3. *Бюджетнинг даромадлари таркибига тавсиф беринг.*
4. *Бюджетни харажатлари таркибига тавсиф беринг.*
5. *Секвестрлаш нимани аниқлатади?*
6. *Бюджет дефицитининг пайдо бўлиши сабаблари нимада?*
7. *Бюджет дефицитини бартараф этиш йўллари.*
8. *Давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг пайдо бўлиши сабаблари нимада?*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг яқунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.

7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Аскарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудит-информ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацкян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.

29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. СПб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004

51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

5 - Мавзу. Солиқлар ва давлат солиқ тизими

Режа:

1. *Солиқларнинг моҳияти ва функциялари.*
2. *Солиқларнинг асосий элементлари. Солиқ ставкалари.*
3. *Солиқ тизими. Тўғри ва эгри солиқлар, акцизлар, божхона тўловлари. Республика ва маҳаллий солиқлари.*
4. *Ўзбекистон республикаси солиқ ислохотларида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.*

1. Солиқларнинг моҳияти ва функциялари.

Солиқлар ҳар қандай давлатнинг иқтисодий пойдевори ва молиявий сиёсатининг таъминловчи воситадир.

Солиқ бу давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан жисмоний ва юридик шахслардан мажбурий равишда ундириладиган ва давлатнинг иқтисодий вазифаларини бажарилишига йўналтирилган маблағлардир. Солиқларни жорий қилиш ва ундириш давлат қонунчилигига асосан ташкил этилади. Бугунги кунда солиқлар фискал ва иқтисодий (тартибга солиш ва тақсимлаш) функцияларини бажаради. **Солиқларнинг фискал функцияси** давлат пул жамғармаларини шакллантиришнинг асосини ташкил этади. **Иқтисодий функцияси** эса солиқлар ёрдамида миллий даромадни қайта тақсимлаш, реал ишлаб чиқариш ва инвестициялар жараёнларига, иқтисодиётнинг ўсиш кўлами ва суръатларига таъсир кўрсатишни кўзда тутаяди.

Солиқлар қонунда белгиланган ҳажмларда ва муддатларда юридик ва жисмоний шахсларнинг давлатга тўланиши шарт бўлган мажбурий тўловларидир. Улар МД ни бир қисми бўлиб бюджет тизимини барча бўғинлари орқали йўналтирилади.

Солиқларнинг фискал функцияси солиқларда азалдан мавжуд ва бунда фақатгина давлатни даромадларини таъминлаш вазифаси тушунилади.

Солиқларнинг иқтисодий (тартибга солиш) функцияси Дж. М. Кейнс назарияси таъсирида 2-Жаҳон урушидан кейин вужудга келди ва ривожланди. Солиқ сиёсати мамлакатда капитал жамғариш, уни концентрациялашуви ва марказлашуви, аҳолини тўлов қобилияти жараёнларига тўғридан тўғри таъсир

этади. Яъни тартибга солиш функцияси давлатни кайта ишлаб чиқариш жараёнларига аралашуви билан боғлиқ.

2. Солиқларнинг асосий элементлари.

Солиқ ставкалари.

Солиқнинг асосий элементларига қуйидагилар киради: солиқ субъекти, объекти, солиқ солиш бирлиги, манбааси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, базаси солиқ оклади ва бошқа элементлар.

солиқ субъекти - қонун бўйича солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни ўз ичига олади.

солиқ объекти - предмет бўлиб уни мавжудлиги эса предмет эгасини солиққа тортишга асос бўла олади (ер, мулк, уй).

солиқ манбаи - солиқ тўланилиши лозим бўлган даромаддир (ойлик, иш хақи, фойда, %).

солиққа тортиш бирлиги - солиққа тортиладиган объектни ўлчов бирлиги (масалан: ер солиғи бўйича 1 гектар ер).

Солиқларни ундириш белгиланган ставкалар миқдорида амалга оширилади. **Солиқ ставкаси** – юридик, жисмоний шахслардан олинадиган турли солиқларга ўрнатилган солиқ миқдоридир. Солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва регрессив турдаги ставкалари қўлланилади.

Даромадлар ҳажмининг ўзгаришидан қатъий назар қатъий белгиланган фоизда солиққа тортишда **пропорционал солиқ ставкаси** қўлланилади. Одатда, қўшилган қиймат солиғи, мулк солиқлари пропорционал ставкаларда ундирилади.

Барча акциз солиқлари уларни пировард тўловчиси ҳисобланган истеъмолчи учун унинг эгаллаган даромадларига нисбатан **регрессив** характерда бўлади.

Даромад ўсиб бориши билан бирга юқори солиқ ставкаларини қўлланишига **прогрессив солиқ ставкалари** дейилади. Прогрессив солиқ ставкалари асосан аҳоли томонидан тўланадиган даромад солиғига нисбатан кенг қўлланилади. Шу билан бирга *оддий* ва *мураккаб прогрессия* ставкалари ҳам қўлланилади. *Оддий* прогрессияда солиқ ставкасини ўсиши тўлиқ даромадга нисбатан қўлланилади. *Мураккаб* прогрессия

услубида ставкалар даромадни қисмларга бўлиш орқали ҳисоблаб борилади.

солиқ имтиёзлари - амалда бўлган қонунчиликка биноан солиқ тўловчини солиқдан қисман ёки тўлиқ озод этилиши.

3.Солиқ тизими. Тўғри ва эгри солиқлар, акцизлар, божхона тўловлари. Республика ва маҳаллий солиқлари.

Ундириш усулига кўра солиқлар бевосита ва билвосита турларига бўлинади. Тўловчи томонидан тўғридан-тўғри амалга ошириладиган мажбурий тўловлар **бевосита солиқлар** дейилади. Уларга даромад, фойда, мулк солиқлари мисол бўлади. Товарлар нархида қўшилган ва уни сотиш жараёнида тўланадиган мажбурий тўловларга **билвосита солиқлар** дейилади. Акцизлар бундай солиқларнинг асосий турини ташкил этади.

Солиқ тизими мамлакат ҳудудида амалда бўлган солиқлар тўплами ва уларнинг ташкил этишнинг услуб ва тамойилларини ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларда амалда бўлган солиқларнинг миқдори, ставкалари ва ундириш тартибидаги турли-туманликдан қатъий назар улардаги солиқ тизимлари умумжаҳон амалиёти томонидан қабул қилинган солиққа тортиш тамойиллари асосида ташкил қилинган.

Миллий хусусиятларга қарамай ҳар қандай мамлакат солиқ тизимининг асосини қуйидаги солиқлар ташкил қилади: аҳоли томонидан тўланадиган даромад солиғи; юридик шахслар томонидан тўланадиган фойда солиғи; қўшилган қиймат солиғи; мулкый солиқлар; акциз йиғимлари ва божхона божлари.

Солиқчилик амалиёти қўлланилаётган асосий солиқ турлари

Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар		
фойда солиғи	универсал акцизлар:	фискал монопол акцизлар:	божхона тўловлари:
даромад солиғи	ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи)	тузга	экспорт
мулк солиғи	сотув солиғи	тамакига	импорт
ер солиғи	индивидуал акцизлар	спиртга ва бошқа акцизлар	транзит божхона
фаолият солиғи ва бошқалар,	пивога, ароққа ва б.		тўловлари

Ривожланган мамлакатларда билвосита солиқлар (ҚҚС ва акцизлар) нинг бюджет даромадларидаги улуши 30 фоиздан дан ошмайди. Ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида эса улар устивор мақомга бўлиб одатда, бюджет даромадларининг 50-70 фоизини таъминлайди. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 2004 йилда 57 фоизни ташкил этди.

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимини шакллантиришда солиқларнинг асосий улушини корхоналардан эмас аҳолидан ундирилиши лозим деган нуқтаи назардан келиб чиқилади. Бу эса талабни чеклаш орқали нарх ўсиши ва инфляция суръатларини жиловлаш омили бўлиб хизмат қилади.

1998 йилнинг 1 январидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси мамлакат солиқ тизимининг жаҳон талабларига мос равишда фаолият олиб боришига ҳуқуқий асос яратди. Унга кўра Ўзбекистон Республикасида ҳудудида амалда бўлган барча солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга ажратилган.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

- Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- Қўшилган қиймат солиғи;

- Акциз солиқлари;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Экология солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқларининг асосий хусусияти шундаки мазкур солиқлардан тўланадиган маблағлар тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг Марказий бюджетига жамланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар мамлакат ҳудудларининг маҳаллий бюджетларида жамланади ва уларнинг қуйидаги турлари амалда қўлланилади:

- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Реклама солиғи;
- Автотранспорт воситаларини олиб-сотганлик учун солиқ;
- Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
- Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- Ободончилик ишлари учун йиғим.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий солиқ тизимлари солиқларни қўплиги билан ҳарактерланади. Унинг таркиби эса давлатни ташкилий таркибига боғлиқ. Яъни *унитар* мамлакатларда солиқ тизими давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлардан иборат. *Федератив* давлатларда эса солиқ тизими уч бўғиндан иборат: давлат (федерал) солиқлари, федерация аъзолари (штатлар, кантонлар, ерлар) солиқлари ва маҳаллий солиқлар.

Бюджет даромадларини таҳлили шуни кўрсатадики даромадларнинг асосий қисми давлат солиқларига тўғри келади. Уларга: аҳоли даромадлари солиғи, корпорациялар (юридик шахслар) фойдаси солиғи, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС), божхона тўловлари ва акцизлар кирази.

Бюджет даромадининг асосий қисми: 25 - 45 % тўғри солиқларга кирувчи аҳоли даромадлари солиғи ҳисобидан ташкил этилади. Ушбу солиқ мураккаб прогрессия услубида йиғилади ва солиқ солишнинг икки тизими қўлланилади:

- *шедуляр* ёки *инглиз тизими*. Ўзоқ вақтлар давомида Буюк Британияда (1842-1973 йй.) қўлланилган ва даромадни манбаларининг ўзида тўғридан тўғри солиққа тортиш билан тавсифланади.

- *глобал тизими* солиқ тўловчининг ялпи даромадига нисбатан қўлланилади.

Ушбу солиқ тури бўйича тушумлар улушини юқориликка қарамай аксарият ривожланган ривожланаётган мамлакатларда қўлланилаётган ставкалар ҳажмининг секин-аста пасайиш тенденциялари яққол кўзга ташланади. Мисол учун АҚШда XX асрнинг 50 йиллар охири ва 60 йиллар бошида даромад солиғи бўйича максимал ставка 91% га тенг эди. Кейинчалик у куйидаги ҳажмларда пасайтирилди:

- 65 - 80 йилларда: - 70%

- 81 - 86 йилларда: - 50% ва 14 та оралиқ ставка мавжуд эди.

- 86 - 88 йиллар солиқ реформасидан сўнг оралиқ ставкалар бекор қилиниб бор йўғи икки ставка 15 ва 28 % қолди.

Шунингдек, бугунги кунда корпорациялар фойдаси солиғи улуши мунтазам камайиб бормоқда. Мисол учун, Иккинчи жаҳон урушидан олдин АҚШ бюджети даромадининг тенг ярми ушбу солиқ орқали тўлдирилган бўлса 1995 йилда у бор йўғи 11.6 % ташкил этди. Қўлланилаётган ставкалар АҚШ да 46 дан 34% га, Буюк Британияда 52 - 35 % гача пасайтирилди.

Эгри солиқлар ичида ҚҚС ва бошқа индивидуал акцизлар (тамаки, спиртли ичимликлар, пиво ва бошқ.) катта аҳамиятга эга. ҚҚС Европа иттифоқининг ҳамма мамлакатлари ҳамда Норвегия, Исроил ва кўплаб мамлакатларда амал қилади. АҚШ ва Японияда эса у қўлланилмайди.

Индивидуал акцизлардан Буюк Британияда *вино, тамаки ва бензинга*, Германияда *сигаретлар, пиво, туз, чой, уксус, ўйин карталарига* ва Японияда индивидуал акцизлар билан *600 дан ортиқ товарга* нисбатан жорий этилган солиққа тортилади. Ўзбекистонда акцизлар 20 дан ортиқ маҳсулотга белгиланган.

4. Ўзбекистон республикаси солиқ ислохотларида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ қуйидаги ташкилотлар давлат солиқ органлари деб белгиланган: Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг давлат солиқ бошқармалари, вилоятларнинг давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари.

Мамлакатда туб ислохотларни амалга ошириш, иқтисодийни модернизациялаш, барқарор иқтисодий ўсишга етарли шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими олдида қўйилган асосий вазифалардир. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида кейинги йилларда мамлакат солиқ тизимида фаол ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан иқтисодийдаги солиқ юки изчиллик билан камайиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда солиқ юки даражаси (солиқ даромадларининг ЯИМга нисбатан) 28,5% га тенг бўлса 2001 йил йилда у 26% ни, 2002 йилда 25,2%, 2003 йилда 24,2% ва 2004 йилда эса 22,5% ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида жамланаётган солиқ тушумларининг таркибида сезиларли ижобий тенденциялар кузатилмоқда.

5-жадвал

Бевосита солиқларнинг таркиби (жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Бевосита солиқлар	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ	49.4	39.7	34.4	34.1	29.9
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан олинадиган солиқ	-	-	-	-	8.5
Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун	-	7.8	13.1	14.1	10.2

ягона солиқ					
Жисмоний шахслардан	44.5	44.9	45.6	46.7	46.2
олинадиган даромад солиғи					
Тадбиркорлик фаолияти	6.1	7.6	6.9	5.1	5.2
билан шуғулланувчи юридик					
ва жисмоний шахслар					
даромадларига қатъий					
белгиланадиган солиқ					

Солиққа тортилмайдиган минимал иш ҳақи имтиёзининг 2002 йилдан буён бекор қилиниши солиққа тортиладиган даромадлар базасини сезиларли кенгайишига олиб келди ва натижада кейинги йилларда даромад солиғи ставкаларининг пасайишига қарамасдан даромад солиғидан тушадиган маблағларнинг бевосита солиқлардаги улуши нисбатан ўсди.

Корхоналар фойдасидан тўланидаган солиқ ставкаларининг изчил пасайтириб борилиши, корхоналарнинг солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига (ягона солиқ) ўтиши натижасида мазкур солиқ тўловларининг бевосита солиқлардаги улуши 2000 йилда 49 фоиздан 2004 йилга келиб 29 фоизга тенг бўлди. Бу ижобий ҳол бўлиб, корхоналардаги солиқ юкини камайишидан далолат беради.

6-жадвал

Билвосита солиқларнинг таркиби (жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Билвосита солиқлар	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Қўшилган қиймат солиғи	47.3	48.8	43.9	39.6	42.5
Акциз солиғи	48.4	46.3	48.3	51.3	48.2
Божхона божи	2.0	2.7	2.9	3.0	3.6
Жисмоний шахслар ягона	2.3	2.2	2.4	3.3	2.5
бож тўлови					
Жисмоний шахслар	-	-	2.5	2.8	3.2
томонидан транспорт					
воситалари учун истеъмол					
қилинадиган бензин, дизел					
ёқилғиси ва газ учун солиқ					

2001 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси миқдорини 20 фоиздан 18 фоизга туширилиши кейинги йилларда билвосита солиқлардаги унинг улушини сезиларли пасайишига олиб келди.

Шуниндек, Ўзбекистонда кенг номенклатурадаги истеъмол молларини (биринчи эҳтиёж молларидан ташқари) акциз солиғига тортиш амалиёти натижасида ушбу солиқ даромадларининг ҳам юқори улушини таъминлаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимига хос бўлган энг янги тенденцияларга солиқ тизимини соддалаштириш, асосий солиқ ставкаларини пасайтириш ва таклиф этилаётган имтиёзларнинг самарадорлигини оширишга бўлган ҳатти-ҳаракатларни айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, 2003 йилга нисбатан, кейинги йилларда юридик шахслардан фойда солиғи куйидагича пасайиши кузатилди: 2002 йил-24%; 2003 йил-20% ва 2004 йил-18%. Аҳоли даромадлари солиғи 2002 йил-33%; 2003 йил-32% ва 2004 йилда 30%. Корхона даромадлари солиғи ставкаларининг аҳоли даромади солиқларига нисбатан юқори суръатларда пасайиши бевосита солиқлар таркибида даромад солиғи улушининг мунтазам юқори даражасини таъминлаб берди. Бу эса даромадлар яратиладиган асосий бўғин бўлган ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқ юкини янгилатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Ушбу солиқлар ставкалари турли хил бўлиб уларни ҳисоблаш, бюджетга ундириш жараёнларини бир мунча чигаллаштиради. Чет эл тажрибаси шунини кўрсатадики солиқ тизими қанча содда ва мунтазам ҳолда амал қилганда унинг самарадорлиги шунча ортади. Шу билан бирга таниқли америка иқтисодчисининг асослашича ўзоқ муддатли ривожланиш даврида муътадил солиқ ставкаларини қўлланилиши юқори солиқ ставкалари қўлланилгандан юқорирок бюджет даромадларини ошишига олиб келади. Яъни, минимал солиқ ставкалари ишлаб чиқарувчиларни (бўлажак солиқ тўловчилар) иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир ўтказиб уларни сонини кескин ошишига олиб келади. Юқори солиқ ставкаларини жорий этилиши фақатгина қисқа муддатдагина солиқдан тушадиган даромадларни ошишига олиб келиши мумкин. Келажақда эса юқори солиқ ставкалари ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий фаолияти рағбатлантириш омилини кескин камайтиради ва солиқ тўловчиларни сонини камайишига ва солиқдан қочиш жараёнларини тезлашишига олиб келади.

Мавзунӣ ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

солиқ	солиқ элементлари	универсал акцизлар
акциз	солиқ ставкаси	индивидуал акцизлар
солиқ кодекси	фискал сиёсат	фискал монопол акциз
солиқ тизими	фискал функция	умумдавлат солиқлари
солиқ ислоҳоти	прогрессив ставка	махаллий солиқлар
солиқ имтиёзи	пропорционал ставка	божхона тўловлари
тўғри солиқлар	регрессив ставка	эгри солиқлар

Назорат саволлари:

1. *Солиқ тушунчасига таъриф беринг.*
2. *Солиқ тўловларининг бошқа тўловлардан фарқи томони нимада?*
3. *Тўғри ва эгри солиқлар деганда нимани тушунасиз?*
4. *Солиқларнинг асосий элементлари нимадан иборат?*
5. *Солиқ тизими қандай таъкил топган?*
6. *Ўзбекистон солиқ тизимининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?*
7. *Ўзбекистонда солиқ ислоҳотлари қай йўналишда давом этади деб ўйлайсиз?*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2006 йилдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Халқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.

7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Аскарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Мамазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацкян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.

29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004

51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

6 - Мавзу. Кредит ва кредит муносабатлари

Режа:

1. *Кредит ва ссуда тушунчаларидаги умумий ва хусусий жиҳатлар. Ссуда капиталнинг хусусиятлари ва манбалари.*
2. *Ссуда капиталлари бозорининг таркиби.*
3. *Кредитнинг асосий тамойиллари ва функциялари.*
4. *Кредитнинг турлари ва уларни таснифлаш (классификациялаш).*

1. Кредит ва ссуда тушунчаларидаги умумий ва хусусий жиҳатлар. Ссуда капиталнинг хусусиятлари ва манбалари

Кредит ва ссуда тушунчалари иқтисодиётда ва асосан молиявий адабиётларда кенг кенг қўлланилади ва одатда улар ўртасидаги умумий жиҳатларга асосланган ҳолда уларни нотўғри қўлланилиши кузатилади. Шу боисдан ҳам мазкур аввало уларнинг ўзаро ва хусусий жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Кредит-бу ҳақ тўлаш ва қайтариб бериш шартлари асосида маълум муддатга ихтисослашган кредит ташкилотлари (кредиторлар) томонидан вақтинча бўш бўлган маблағларни унга эҳтиёжи бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қарзга бериш муносабатидир. Айрим адабиётларда янглиш тарзда ссуда терминини ҳам ана шундай талқин этилади. Аммо улар ўртасида сезиларли фарқ мавжуд.

Биринчидан, ссуда ҳақида гап юритилганда албатта унга капитал сўзи қўшимчасини қўшиб ишлатиш тўғри бўлади. Чунки ссуда бу кредитга беришга мулжалланган маблағлар жаммасидир, яъни, у кредитлар ажратиладиган ссуда жамғармасидир.

Иккинчидан, ссуда жамғармаси кредитнинг статикадаги ҳолати бўлиб, уни тақсимлаш жараёни кредитлаш шаклида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кредит ссуда капиталининг ҳаракатланиш шакли бўлиб ссуда капиталининг динамикадаги ҳолатидир.

Иқтисодий назарияда *ссуда капитали* деб вақтинча фойдаланиш учун фоиз шаклида ҳақ тўлаш эвазига қайтариб бериш шarti билан бериладиган пул маблағлари тўплами тушунилади.

Ссуда капитали хусусиятлари уни қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги икки томонлама муносабатларида яхши акс этади:

- ссуда капитали **капитал сифатида**, яъни маблағ шаклида. Ссуда капитали эгаси бунда пулни эмас, балки шу пулдан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини сотади.

- ссуда капитали ўзига хос **товар сифатида**, яъни уни истеъмол қиймати кейинчалик фойда олиб кела олишига боғлиқ.

- мулк эгаси ва қарз олувчи ўртасидаги тўлов муносабатларини вақт буйича турличалиги.

- ссуда капитали бошқа капиталлардан ўзгача одатда фақат пул кўринишида бўлиб кредит муносабатларида амалга ошади.

Кредит муносабатлари ўз ривожланишида бир нечта босқичдан ўтди.

Биринчи босқич. Кредит муносабатлари ривожланишининг илк даврларида ссуда капиталининг ягона манбаи сифатида давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ҳохишларига биноан қарзга беришга мўлжалланган вақтинча бўш пул маблағлари хизмат қилган. Ушбу маблағлар кредит ташкилотларини депозит ҳисобларида жамланган ва бирламчи пул эгаларига мукофот сифатида фоиз тўланиб маблағлар пулга эҳтиёжи бўлган шахсларга ҳақ тўлаш шарти билан кредитга берилган. Кредит ташкилотининг фойдаси эса жалб қилинган ва кредитга берилган пул маблағларига белгиланган фоизларни ўртасидаги фарқдан келиб чиқади. Кредитнинг бу манбаси бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аҳолини турмуш даражасини тез ошиб бориши даврларида эса унинг аҳамияти ва улуши ҳам орта боради.

Иккинчи босқич. Ишлаб чиқариш ҳажмларини тез суръатларда кенгайиб кетиши, кредит ташкилотларни иқтисодий ривожланишдаги ролини ошиши, нақдсиз пул муомаласи соҳасини кенгайиши ссуда капиталларининг янги манбааларини келтириб чиқарди. Яъни ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида вақтинча бўш бўлган молиявий ресурслар пайдо бўла бошлади.

Бунинг **асосий сабаблари** қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотилиши ва уни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар: хом-ашё, материаллар,

ишчилар меҳнати ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўртасидаги вақт муддатларини мос тушмаслиги;

- асосий фондларнинг аста-секин эскириб бориши ва уларни янгилаш ёки қайта тиклаш мақсадида пул маблағларини амортизация фондларида жамланиши;

- фойда кўрилган муддатдан то уни ишлатилиб бўлингунга қадар тақсимланмаган қолдиқни мавжудлиги.

Юқорида кўрсатилган пул маблағлари ҳар доим юридик шахсларнинг кредит ташкилотларида очган ҳисоб варақларидан жой олган бўлади. Банк учун ушбу ссуда манбаларининг бир нечта қулайлиги мавжуд.

Биринчидан, банк жорий ҳисоб рақамларида бўлган ушбу маблағларни кредит мақсадида ишлатишда уларни эгаларидан рухсат сўрамайди.

Иккинчидан, одатда банк, жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағларига фоиз тўламайди.

Бугунги кунда кўплаб тижорат банклари учун жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари жалб этилаётган ресурсларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган (2005 йил 1 январь ҳолатига кўра) 32 та тижорат банклари ҳам ссуда капиталини шакллантиришда ва уни кредитга бериш жараёнида юқорида келтирилган тартибга асосланади. Мамлакатимизнинг барча тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини улар томонидан жалб этилаётган маблағлар ташкил этади. Бу эса бугунги кунда мамлакат банкларини миллий молия бозорида мавжуд тақсимлаш тизимининг асосий бўғинига аланганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасида кредит муносабатлари 1995 йил 21 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ва 1994 йили 19 декабрда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларга асосланиб ташкил этилади ва тартибга солинади.

2. Ссуда капитали бозорининг таркиби

Ссуда капитали бозори молия бозорининг катта бўлакларидан бири ҳисобланади. Ушбу бозорнинг **асосий қатнашувчиларига** кўра уни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- **бирламчи инвесторлар**, яъни турли услубда банклар томонидан жалб қилинадиган молиявий ресурслар эгалари.

- **ихтисослашган воситачилар**, яъни пул маблағларини жалб қилиб уни ссуда капиталига айлантирувчи кредит молия ташкилотлари.

- **қарз олувчилар**, яъни, молиявий маблағларга вақтинча эҳтиёж сезувчи юридик, жисмоний шахслар ёки давлат.

Банкларнинг кредит ресурсларини йўналишига қараб ссуда капитали бозори **туртта асосий сегментга** бўлинади:

- **пул. бозори** - айланма маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операциялари тўплами.

- **капиталлар бозори** - асосий воситалар ҳаракатини таъминловчи ўрта ва ўзоқ муддатли операциялар тўплами.

- **фонд бозори** - қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатувчи кредит операциялари тўплами.

- **ипотека бозори** - кўчмас мулк бозорига хизмат кўрсатувчи кредит операциялари тўплами.

Юқорида келтирилган бозор сегментлари ўз хусусиятларига эга ва шу сабабли амалиётда тижорт банкларининг, ихтисослашган молия-кредит ташкилотларининг кўплаб турлари ривож топди.

Жумладан, бугунги кунда Ихтисослашган давлат ипотека тижорат банки ипотека бозорида фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатнинг барча тижорат банклари қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш жараёнида ссуда капитали бозорининг пул бозори ва капиталлар бозори сегментларида фаолият юритмоқда.

Мамлакат тижорат банклари ўз қимматли қоғозларини эмиссия қилиш ёки қимматли қоғозларни кредит беришда таъминот сифатида қабул қилиш орқали фонд бозорининг энг катта иштирокчилари бўлиб ҳисобланишади.

3. Кредитнинг асосий тамойиллари ва функциялари

Кредит муносабатлари ривожлана боргани сари уни бериш ва қайтариш билан боғлиқ шарт-шароитлар ҳам аста-секин

шакллана борди ва бу шартлар қатъий белгиланган тамойил сифатида мамлакатларнинг кредит қонунчилиги томонидан қабул этилди ва мустаҳкамланди. Бугунги кунда кредитни қуйидаги **асосий тамойиллари** мавжуд:

- **Кредитни қайтариб бериш шарти.** Бу шарт олинган кредитни ўз вақтида қарз берувчига қайтариб берилиши лозимлигини ва бу билан боғланган муносабатларни яқунланиши шарт эканлигини таъкидлайди.

- **Кредитнинг муддатлилиги.** Бу шарт кредитнинг қарз берувчига исталган вақтда эмас, балки кредит шартномасида кўрсатилган муддатларда қайтарилиши шартлигини таъкидлайди. Шартнинг бажарилмаслиги қарз олувчига нисбатан иқтисодий (фоизларни кўтариш орқали) ёки (уч ойдан ошган тақдирда) маъмурий (административ) чораларни қўлланишга олиб келади.

- **Кредитни олишда унга ҳақ тўлаш шарти, ёки ссуда фоизи.** Бу шарт кредитни асосий қарзини ўзишдан ташқари ундан фойдаланилганлиги учун фоиз тўланиши шартлигини таъкидлайди. Кредитдан фойдаланиш эвазига тўланадиган фоиз ставкаси бу **кредитни нархи** бўлиб у капиталлар бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланади.

- **Кредитнинг таъминланганлиги.** Бу шарт қарз берувчининг шартнома бўзилиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида гаров сифатида қарз олувчининг таъминот бериши лозимлигини таъкидлайди.

- **Кредитнинг мақсадлилиги.** Ушбу шарт олинган кредитни мақсадли равишда ишлатилишини талаб этади ва унинг назорати жумладан, тижорат банклари томонидан таъминланади. Шартнинг бўзилиши кредитни муддатидан олдин қайтариб олинишига ёки иқтисодий чораларни қўллашга олиб келиши мумкин.

Кредитнинг иқтисодий тизимда тутган ўрни ва роли аввало уни функциялари билан аниқланади.

Кредитнинг асосий функциялари:

- қайта тақсимлаш функцияси
- муомала ҳаражатларининг тежалиши
- капитални концентрациясини тезлатиши
- товар айланмасига хизмат кўрсатиши

◀ илмий-техника таррақиётини жадаллашуви.

Кредитнинг функцияларидан кўриниб турибдики у ишлаб чиқариш жараёнлари ва умуман ҳўжалик юритувчилар учун жуда катта қулайликлар яратиб беради. Ушбу қулайликлар эса миллий иқтисодиёт микёсида ресурсларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, вақт ва ресурсларни тежаш, ривожланиш суръатларини жадаллаштириш имкониятларини яратади.

4. Кредитнинг асосий турлари ва уларнинг таснифланиши (классификациялаш):

Кредитнинг классификацияланиши унинг бир нечта базавий белгиларига қараб амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб кредит беш турга бўлинади

а) Банк кредити. Кредитнинг иқтисодиётда кенг тарқалган тури бўлиб фақатгина Марказий банкнинг кредит операциялари ўтказишга рухсатини олган (лицензия) кредит-молия ташкилотлари томонидан берилади. Кредит шартнома асосида берилади ва қарз олувчи сифатида турли хил юридик, жисмоний шахслар ёки давлат бўлиши мумкин.

- **Кредитни ўзиш муддатига қараб:** онкол (on call) кредит, қисқа, ўрта ва ўзоқ муддатли кредитларга бўлинади.

- **таъминланганлигига қараб:** ишончли кредит, таъминланган кредит ва учинчи шахслар кафолати асосидаги кредитларга бўлинади.

Мазкур кредит тури Ўзбекистонда ҳам кредитларнинг энг катта қисмини ташкил этади ва барча тижорат банклари томонидан ажратилади.

б) Тижорат кредити кредитнинг илк тури бўлиб ҳисобланади ва вексел муносабатлари билан бирга нақдсиз пул муомаласини ҳам яратди. Кредитнинг бу тури асосан товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи, истеъмол этувчи йирик юридик шахслар ўртасида амалга оширилади. Амалда бу муносабатлар ишлаб чиқарувчини истеъмолчига ўз товарларини ҳақини тўлаш муддатини кечиктирилиши кўринишида бўлади ва бунини эвазига товарни нархини тўлаш муддати келганда қўшимча равишда фоиз тўланади. Демак, тижорат кредити банк кредитидан фарқ қилади. Яъни, банк кредити пул шаклида берилса тижорат

кредити фақатгина товар шаклида амалга оширилади. Иккинчидан, қарз берувчи сифатида кредит ташкилоти эмас, балки товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи юридик шахслар қатнашади. Тижорат кредити вексел ҳаракати асосида амалга оширилади ва уни орқасида ҳар доим товар ҳаракати туради.

1996 йили 1 июлда Ўзбекистон Республикасида векселлар муомаласини бекор қилиниши сабали бугунги кунда мамлакатимизда тижорат кредити муомаласи ривож топмади.

в) Истеъмол кредитининг асосий хусусияти - жисмоний шахсларни мақсадли кредитлашдадир. Яъни ўзоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун пул шаклида кредит бериш. Қарз берувчи сифатида ихтисослашган кредит ташкилотлари билан бирга товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи турли хил юридик шахслар қатнашади. қарз олувчи сифатида ҳар доим жисмоний шахс қатнашади ва ўзоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарларни, кўчмас мулкни сотиб олишга, ўқиш ва даволаниш ҳақларини тўлаш мақсадларига сарф қилинади.

з) Давлат кредити давлатнинг ссуда бозорида қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида иштироки билан боғлиқ. **Давлат қарз берувчи сифатида** Марказий банк орқали тармоқлар, ҳудудлар ёки тижорат банкларини кредитлаши мумкин. **Давлат қарз олувчи сифатида** давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини ички бозорда жойлаштириш орқали ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида пул маблағларини жалб қилади.

д) Ҳалқаро кредит. Ҳалқаро даражада амалга ошириладиган кредит муносабатлари тупламни ўз ичига олади. Ушбу кредит муносабатлари қатнашчилари сифатида ҳалқаро молия-кредит ташкилотлари (ХВФ, Жаҳон банки ва бошқалар), мамлакатларнинг ҳукуматлари, ва алоҳида юридик шахслар бўлиши мумкин.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

ссуда капитали	ссуда капитали бозори	пул бозори
кредит	капитал бозори	ипотека бозори
ссуда фоизи	фонд бозори	бирламчи инвесторлар
банк кредити	тижорат кредити	ихтисослашган воситачилар

Назорат саволлари

1. *Ссуда капитали деганда нима тушунилади?*
2. *Ссуда капиталининг икки асосий манбасини кўрсатинг.*
3. *Ссуда капиталига кимнинг эҳтиёжи мавжуд?*
4. *Кредитнинг асосий тамойилларини санаб беринг.*
5. *Кредитнинг базавий функциялари нима?*
6. *Тижорат ва банк кредитларини фарқларини кўрсатиб беринг.*
7. *Истеъмол кредити деганда нимани тушунасиш?*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишинг яқунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Аскарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.

12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацкян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.

34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС. 2003 с. 799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф. Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004
51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

7 - Мавзу. Кредит тизими ва унинг ташкилий таркиби. Марказий банк ва унинг функциялари

Режа:

1. *Кредит тизимининг ташкилий таркиби: банк ва nobank кредит ташкилотлари.*
2. *Икки бўгинли банк тизими тушунчаси. Эмиссион банкларнинг роли.*
3. *Марказий эмиссион банкларнинг функциялари ва операциялари.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг пул-кредит сиёсати.*

1. Кредит тизимининг ташкилий таркиби: банк ва nobank кредит ташкилотлари

Замонавий **кредит тизими** ссуда капиталлари бозорида фаолият юритувчи ва пул капиталини жалб қилиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи турли кредит - молия институтлари тўпламидир.

Кредит тизими одатда уч бўғиндан иборат бўлиб Марказий банк, тижорат банклари ва ихтисослашган кредит-молия ташкилотларини ўз ичига олади. Уч бўғинли кредит тизими асосан аксарият саноати ривожланган мамлакатларга хосдир.

Банк тизимининг ўзи икки бўғиндан иборат бўлиб Марказий банк ва тижорат банкларидан ташкил топган.

Марказий банк кредит тизимининг ўзагини ташкил этади.

Тижорат банклари – универсал характерга эга бўлган кредит институтларидир. Улар томонидан таклиф этилаётган хизматлар бугунги кунда банк маҳсулоти номини олган ва уларнинг кўплаб турлари мавжуд. Замонавий тижорат банклари ўз миқдорларига 300 дан 600 тагача хизмат турларини таклиф этишади. Уларнинг асосийларига:

◀ жисмоний ва юридик шахсларга ҳисоб варақаларини очиш ва юргизиш;

◀ ҳисоб-касса хизмати, пулларни ва пул ҳужжатларни инкассациялаш;

◀ жамғармаларни фоиз тўлаш билан сақлашга қабул қилиш;

◀ турли мақсадларга кредитлар ажратиш;

- ◀ маблағ эгасининг топшириғига биноан пул маблағларини ишончли бошқариш;
- ◀ хориж валюталарининг олди-сотдиси;
- ◀ қимматли тошлар билан амалиётлар олиб бориш;
- ◀ хужжатлар ёки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун махсус хона ёки сейфларни ижарага бериш ва бошқалар.

Ихтисослашган кредит–молия муассасалари банк-кредит институтларининг учинчи гуруҳини ташкил этади ва ўз фаолиятларида хўжалик ҳаётининг алоҳида соҳа ва тармоқларининг кредитлаш билан шуғулланишади. Уларга инвестиция, пенсия фондлари, суғурта компаниялари, ипотека банклари ва ссуда жамғарма ассоциациялари киради. Ихтисослашган кредит ташкилотлари биргаликда депозит–чек эмиссияси, тижорат кредити, қисқа муддатли молиялаш ва бошқа амалиётларни олиб борадилар. Нобанк кредит ташкилотлари моҳиятига кўра кредит ташкилоти статусига эга ва ўз фаолиятларида банкларга хос бўлган бир қанча операцияларни амалга оширадилар. Шу билан бирга, уларнинг банклардан ажралиб турадиган томонлари ҳам мавжуд. Нобанк кредит институтларининг банклардан ягона фарқи молиявий маблағларни жалб қилиш услубининг ўзгачалигидадир. Банк ташкилотлари одатда ўз мижозлари (жисмоний ва юридик шахслар) пулларини тўғридан-тўғри жалб этадилар. Банкларга жалб қилинаётган пул маблағлари турли шартлардаги депозитлар ёки жорий ҳисоб варақларида сақланади. Нобанк кредит ташкилотлари ҳам ўз фаолиятларида кўплаб пул маблағларини жалб қилишга эҳтиёж сезадилар ва жалб қиладилар. Амалда жалб этиш услуби нобанк кредит ташкилотининг ихтисослашувиغا қараб турлича бўлади. Пенсия фондларига молиявий ресурсларни ишчи ва хизматчиларнинг пенсия ҳисоб варақларига жалб қилинадиган тўловлар шаклида амалга оширади. Инвестиция фондлари ўз қимматли қоғозлари эмиссиясини сотиш орқали пул жалб қилади. Суғурта фондлари эса суғурта полисларини сотиш орқали суғурта тўловларини жамлайди. Барча турдаги нобанк кредит ташкилотлари турли услубда жамланган пул маблағларини кейинчалик кредитга бериш, фойда келтирувчи лойиҳалар ёки

инвестиция портфеллари шакллантириш орқали улардан даромад оладилар.

Эмиссион банк сифатида ҳар бир мамлакатда ягона бўлган ва муомалага пул чиқариш статусига эга бўлган Марказий банклар фаолият кўрсатадилар. Амалиётда уларнинг номи турли хил бўлсада лекин ягона бирлаштирувчи белги сифатидаги эмиссион статусга эга бўладилар. Ўзбекистонда ва кўплаб мамлакатларда ушбу банклар Марказий банк деб аталади. Россияда - Россия банки, Англияда - Инглиз банки, Германияда - Бундесбанк, АҚШда - Федерал Резерв Тизими, баъзи бир МДХ мамлакатларида: Қозоғистон ва Қирғизистонда - Миллий банк ва хоказо.

2. Икки бўғинли банк тизими тушунчаси. Эмиссион банкларнинг роли

XX аср бошларида деярли ҳар бир мамлакатда икки бўғинли банк тизимлари шаклланиб бўлди. Демак, бугунги кунда бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг барчасида банк тизимлари икки бўғиндан иборат. XX аср бошларида мамлакатларда бирин-кетин амалга оширилган национализация тадбирлари натижасида энг мустаҳкам, нуфузли ва йирик банклар давлат қўли остига ўтди ва уларнинг вазифаси этиб пул тизимини бошқариш ва муомалага нақд пулларни эмиссия қилиш белгиланди. Ушбу жараён XX асрнинг 20 – йилларига келиб яқунланди.

Бугунги кунда биринчи бўғин банклари деб Марказий банклар ҳисобланадилар. Марказий банк пул-кредит сиёсати юргизиш орқали мамлакат иқтисодиётига турли таъсирлар ўтказди. Иккинчи бўғин эса асосан банк тазимида рўйхатдан ўтган тижорат банклардан ташкил топган.

3. Марказий эмиссион банкларнинг функциялари ва операциялари

Марказий банк кредит тизимининг ўзагини ташкил этади. Марказий эмиссион банк давлат ихтиёрида бўлиб ундан макроиқтисодий жараёнлар ва нисбатларни тартибга солишда

фойдаланилади. Марказий банкнинг функцияларига куйидагилар киради:

- банкноталарнинг эмиссиясини амалга ошириш;
- давлат олтин-валюта захираларини сақлаш; бошқа кредит ташкилотларининг резерв фондларини сақлаш, иқтисодиётни пул-кредит дастаги ёрдамида тартибга солиш;
- тижорат банкларини кредитлаш; давлат муассасаларига касса хизматини кўрсатиш;
- ҳисоб-китоб ва пул кўчириш амалиётларини юргизиш;
- кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш.

Марказий банкнинг асосий операциялари у томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатида ўз аксини топади. *Пул-кредит сиёсатининг асосий воситаларига* куйидагилар киради:

- Марказий банк фоиз ставкалари (кайта молиялаштириш ставкаси ёки учёт ставкаси).
- мажбурий резервлар нормаси.
- “очиқ бозор”даги операциялар.

Бундан ташқари Марказий банк пул-кредит сиёсатини юргизишда баъзи *услугалардан* фойдаланади:

- банкларни кайта молиялаштириш.
- валюта бошқаруви.
- пул массаси ҳажмини ушшунинг мулжалларини белгилаш.
- тижорат банкларининг фаолиятини миқдорий чегаралаш.

Марказий эмиссион банкларни *пассив операциялари* асосан банкноталарни эмиссияси натижасида амалга ошади. Бундан ташқари эмиссион банклар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб тижорат банкларининг касса резервларини сақлайдилар. Тижорат банклари ўзларининг бир қисм пул резервларини ҳам Марказий Банкда сақлайдилар ва унинг учун фоиз тўланмайди. *Актив операциялари* тижорат банкларнинг пассив операцияларидан қарз олувчиларнинг характери ва кредитлаш шакли билан ажралиб туради.

Тижорат банкларни *кредитлаш* куйидаги шаклларда бўлади;

- векселларни кайта ҳисобга олиш, кайта гаровга олиш;
- қимматли қоғозларни кайта ҳисобга олиш;
- инвестицияларни мақсадли кредитлаш;
- очиқ бозор операциялари, девиз операциялари.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг пул-кредит сиёсати

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, инфляция даражасини янада пасайтириш ва тўлов интизомини кучайтиришга қаратилган. Марказий банк ўзининг пул-кредит соҳасидаги фаолиятини “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширади. Мазкур қонуннинг 23-моддасида республикамызда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида куйидагилар ажратилиб кўрсатилган:

- иқтисодий конъюнктурани таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- муомаладаги пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини белгилаш;
- пул массаси, шу жумладан, Марказий банкнинг активлари ўзгариши йиллик қўшимча ўсиш суръатларининг мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш;
- валюта ва фойз сиёсатининг асосий йўналишлари;
- пул-кредит сиёсати бўйича асосий мақсадли кўрсаткичларни белгилаш.

1994 йилнинг 1 июлидан миллий валюта-”сўм”нинг муомалага киритилиши билан пул-кредит сиёсати, биринчи навбатда, инфляция даражасини пасайтиришга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, иқтисодиётнинг таянч тармоқларини қўллаб-қувватлашга ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилди.

Умуман Ўзбекистон миллий пул ва банк тизими, шунга мувофиқ равишда пул-кредит сиёсати ривожланишида 4 та босқични ажратиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу босқичда миллий валютани жорий этиш ва икки поғонали банк тизимини шакллантириш учун асос яратилди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун мамлакат мустақил банк тизимини шакллантириш бўйича бу босқичда амалга оширилган чора-тадбирлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунга

мувофиқ эски Давлат банкининг республика идораси асосида Ўзбекистоннинг Марказий банки ташкил этилди ва унга республика давлат, **эмиссион ва резерв банки** мақоми берилди.

Бироқ, бу даврда гарчи собиқ иттифоқ республикалари сиёсий мустақилликка эришган бўлсада, уларнинг иқтисодиёти ягона рубл маконида фаолият кўрсатар эди. Рубл макони доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит соҳаси ривожини назоратини мустақил амалга ошира олмас эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон пул-кредит сиёсати ҳали асосан собиқ СССР давлат банки томонидан чиқарилган қоида ва меъёрлар асосида амалга оширилди. 1992 йилдаги Республика пул-кредит сиёсати ҳам ягона рубль маконида қатнашиш асосида шаклланган эди.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасини киритиш зарурияти Россияда 1993 йилги янги банкнотлар муомалага киритилиши билан кескин тус олди. Шундан сўнг қатор МДХ давлатлари ҳам ўз миллий валюталарини муомалага киритишлари натижасида улар ҳудудларида амал қилмай қўйган эски пул эмиссияси Ўзбекистонга оқиб кела бошлади.

Ўзбекистон рубл маконида юзага келган ушбу вазият натижасида жуда қийин ва ноқулай аҳволда қолди, чунки бошқа республикаларда амал қилмай қолган 1961-1992 йил банкнотлари эвазига республика ҳудудидан турли туман маҳсулотлар олиб чиқиб кетила бошланди.

Қийин иқтисодий шароит Ўзбекистон раҳбариятидан икки муқобил йўлдан бирини - рубл зонасида қолиш ёки ўз миллий валютамининг муомалага киритишни танлашни тақозо қилди. Макроиқтисодий беқарорлик, юқори инфляция даражаси, молиявий ва иқтисодий номутаносиблик кучайиб бораётган бир шароитда тез фурсатда қарор қабул қилиш лозим эди. Юзага келган вазият ва пул тизими ривожининг юқорида кўрсатилган муқобил вазиятлари таҳлили асосида 1993-1994 йилларда ўз миллий валютамининг киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқич - мустақил пул-кредит сиёсати юритиш босқичини бошлаб берди.

Пул-кредит сиёсати ривожланишидаги **иккинчи босқич** 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда миллий валюта “сўм” муомалага киритилди ва икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.


Ўзбекистон миллий валютаси “сўм” муомалага киритилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил пул-кредит сиёсати юргизиш имкониятига эга бўлди. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати биринчи навбатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, инфляция даражасини пасайтиришга ва иқтисодиётдаги тўлов интизомини кучайтиришга йўналтирилди. Бунда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари банк тизимини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантиришга асос бўлди.

Марказий банк давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган пул-кредит сиёсати бўйича ўз фаолиятини ҳар йили қабул қилинадиган “Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари” доирасида олиб боради. Асосий йўналишларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатини юргизиш, мамлакат тўлов тизимини такомиллаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинади.

Марказий банкнинг асосий мақсадларидан бири миллий валютанинг қадрини ошириш бўлганлиги сабабли пулнинг қадрсизланиши-инфляцияни пасайтиришга қаратилган сиёсат пул-кредит сиёсатининг асоси бўлди. Миллий валюта киритилгандан сўнг Республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсати инфляция даражасининг мутгасил камайиб бориши учун замин яратди. Нарх-наво ўсишини жиловлашга қаратилган пул-кредит сиёсати тезда ўзининг самарасини кўрсатди.

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида 1992-2005 йилларда инфляция даражасининг йиллик ўзгариши, %



Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992-1994 йилларда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич айниқса 1994 йилда энг юқори даражага етди. Шу йили инфляция даражаси 1281 % ни ташкил этди.

Албатта, бундай инфляция биринчи навбатда аҳолининг кам химояланган қатламлари, нафақадорлар, талабалар, қатъий белгиланган даромад олувчи хизматчиларга айниқса сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, юқори инфляция аҳолининг жамғармага бўлган мойиллигини камайтириб банк тизимининг молиявий ресурсларини бир иқтисодий агентдан иккинчисига ўтказиш қобилиятини сусайтирди. Нарх-наво юқори суръатлар билан ўсаётган пайтда ўнинг иқтисодиётдаги ишлатилаётган имкониятлари ҳақида ахборот бериш вазифаси сусайди.

Республика монетар сиёсатидан келиб чиқиб Марказий банк ўзининг қайта молиялаштириш, мажбурий захиралар, очик бозордаги операциялар каби пул-кредит сиёсати воситаларидан кенг фойдалана бошлади. Бу чора-тадбирларнинг натижаси ўларок инфляция даражаси 1995 йилдан бошлаб кескин пасая бошлади.

Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1995 йилда 6,7 фоизни ташкил этди. Унинг энг юқори даражаси феврал ойида қайд этилиб 17,8 фоизга тенг бўлди. 1996 йилда ўртача ойлик инфляция 4,2 фоизгача пасайди. Мазкур йилда инфляциянинг энг юқори даражаси апрелда (9,8 фоиз) ва энг паст даражаси июлда (3,1 фоиз) қайд этилди.


1996 йилдаги инфляция даражаси макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришиш имконини берди.

Бундай натижаларга эришишда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш бўйича олиб борган сиёсати муҳим роль ўйнади.

Миллий валюта киритилган пайтда молиялаш ставкаси 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо, миллий валюта киритилгунга қадар бўлган инфляциянинг инерция кучи шу даражада катта бўлдики, қайта молиялашнинг бу ставкаси ҳам етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Инфляцияни камайтириш борасида янада қатъийроқ сиёсат юритиш мақсадида 1994 йилда октябр ойидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини 150 фоиздан 225 фоизгача кўтарди. 1995 йил феврал ойида қайта молиялаш ставкаси 250 фоизгача оширилган бўлса, март ойидан бошлаб у 300 фоиз этиб белгиланди.

Инфляция даражасининг анчагина пасайтирилиши Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ҳам аста-секин пасайтириб борилиши учун замин яратди. 1995 йилдан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси муттасил равишда туширилиб борилди ва 1996 йилда қайта молиялаш ставкаси 50 фоиздан пастга тушди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1994-2004 йиллардаги ўзгариши, йиллик %



Инфляцияга қарши курашда қайта молиялаш ставкаси билан биргаликда Марказий банк мажбурий заҳира жамғармасига ўтказиш меъёридан ҳам фаол фойдаланилди.

Инфляция энг фаол бўлиб турган 1994 йил давомида мажбурий заҳиралар меъёри талаб қилиб олингунга ва 3 йилгача бўлган муддатли депозитлар учун 30 фоиз, 3 йилдан ошиқ бўлган муддатли депозитлар учун 10 фоиз ҳамда чет эл валютасидаги депозитлар учун 30 фоиз даражасида бўлди. 1995-1996 йилларда инфляциянинг пасайиши билан мажбурий заҳиралар меъёри ҳам тижорат банкларининг реал секторга кредит бериш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида камайтирилди.

Мажбурий захира жамғармасига ўтказиш меъёрлари, % ҳисобида

Амал қилиш муддати	Талаб қилиб олгунча ва 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитлар учун	3 йилдан ошиқ муддатли депозитлар учун	Чет эл валютасидаги депозитлар учун
1993 йил ноябрдан	30	10	30
1994 йил майдан	30	10	30
1995 йил январдан	25	10	25
1996 йил июлдан	25	10	0
1997 йил декабрдан	20	10	0
1998 йил	20	20	0
1999 йил	20	10	0
2000 йил майдан ҳозирги кунгача ўзгармади	20	20	0

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган

Шундай қилиб пул-кредит сиёсати ривожланишининг иккинчи босқичида йиллик инфляция даражаси 1994 йилда 1281 фоиздан 1996 йилда 64 фоизгача пасайди. Мазкур йилда ислохотлар йилларида биринчи марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши юз берди (101,6 фоиз).

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсатининг **учинчи босқичи** 1997 йилдан 2000 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда макроиқтисодий барқарорликка эришилди ва самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун реал шарт-шароит вужудга келди.

1997 йилда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 28 фоизгача пасайди. Ойлик инфляция даражаси ўртача 2,1 фоизга тенг бўлди. 1998 йилда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 24 фоизни, ўртача ойлик даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Инфляциянинг мазкур даражаси 1999 ва 2000 йилларда ҳам сақланиб қолди.

1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача бўлган даврда қайта молиялаш ставкаси 24 фоизни ташкил қилган бўлса кейинги йилларда инфляция даражасининг фаол пасайиши сабабли Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ҳам сезиларли пасайтирилди. Жумладан, қайта молиялаш ставкаси 2002 йилда 22 фозни, 2003 йилда 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йил давомида унинг ҳажми икки маротаба ўзгартирилди: июль ойидан бошлаб 18 ва декарь ойидан 16 фоиз этиб белгиланди.

Мазкур йилдан бошлаб Марказий банк мажбурий заҳира жамғармасига ўтказиш меъёри ҳам барқарорлашди. Хусусан, ҳозирги даврда мажбурий заҳиралар меъёри талаб қилиб олингунга ва 3 йилгача бўлган муддатли депозитлар 20 фоиз, 3 йилдан ошиқ бўлган муддатли депозитлар учун 20 фоиз даражасида сақланиб турибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг асосий хусусиятлари ва унинг олдида қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат :

Биринчидан, банк фаолиятини янада эркинлаштириш асосида аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини ошириш. Бу аҳоли қўлидаги вақтинча бўш маблағларни банк бўлинмаларига жалб этиш имкониятини беради. Бунинг натижасида банкларнинг реал

секторни кредитлаш бўйича имкониятлари янада ошади ва банкларнинг корхоналар билан ҳамкорлиги кучаяди.

Иккинчидан, ҳар қандай ривожланган иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган кичик ва ўрта бизнеснинг эркин ривожланишини таъминлаш учун уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш тизимини максимал даражада соддалаштириш.

Учинчидан, валюта муносабатларини янада эркинлаштириш бўйича мувофиқлаштирилган ишларни амалга ошириш ва миллий валютанинг ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ конвертациясига эришишдир.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар:

кредит тизими	пул кредит сиёсати	резерв валюта
эмиссион банк	кайта молиялаштириш	олтин захираси
тижорат банки	векселларни ҳисобга олиш	ихтисослашган банк
Марказий банк	"очиқ бозор" операцияси	девиз операциялари
девизлар	минимал резервлар сиёсати	икки бўғинли тизим
	нобанк кредит институтлари	

Назорат саволлари

1. *Икки бўғинли банк тизими деганда нимани тушунаси?*
2. *Марказий банкнинг асосий функцияси тўғрисида гапириб беринг.*
3. *Марказий банкнинг қандай асосий операциялари мавжуд?*
4. *Марказий банк пул-кредит сиёсатининг воситалари ва услублари нималардан иборат?*
5. *Ўзбекистон банк тизими фойяти қайси қонунлар билан ташкил этилади ва тартибга солинади?*
6. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олиб бораётган пул-кредит сиёсатининг хусусияти нимада?*
7. *Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Ўзбек моделининг моҳияти нимада?*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи 10 февраль 2006 йил.

2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Аскарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.

22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацканян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишинг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Н. Соколова. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.

46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004
51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

8-Мавзу. Тижорат банклари ва уларнинг операциялари

Режа:

1. *Бозорга ўтиш шароитида Ўзбекистон тижорат банкларининг роли.*
2. *Тижорат банкларининг актив ва пасив операциялари.*
3. *Комиссион ва траст операциялари.*
4. *Банкларнинг корреспондентлик алоқалари.*

1. Бозорга ўтиш шароитида Ўзбекистон тижорат банкларининг роли

Бозор инфратузилмасининг кредит-молия таркиблари замонавий бозор иқтисодиётида молиявий ресурсларни самарали қайта тақсимлаш жараёнларини таъминлашга қаратилган кредит ташкилотлари тизмиларидан иборат бўлади. Банклар ва банк тизими бозор инфратузилмасининг фаол ва кенг тарқалган унсурларидан ҳисобланади.

Банк ташкилотлари пул маблағларини жалб қилиб уларни ўз номидан қайтариб бериш, ҳақ тўлаш шартлари асосида жойлаштиришга ихтисослашган молиявий воситачилардир. Ҳар қандай мамлакат банк тизими асосини тижорат банклари ташкил қилади. Тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бири бу уларнинг кредитлаш жараёнларидаги воситачилигидир. Кредитлар ажратиш амалиёти орқали иқтисодиёт доирасида молиявий ресурслар қайта тақсимланиши билан бирга, энг асосийси, ресурсларнинг юқори даражада самарали ишлатилиши масаласи ҳал қилинади. Натижада молия ресурслари бозор муносабатларига асосланган хўжалик доирасида тақсимланишида биринчи ўринда унинг фойда билан ишлаши масаласи ҳал қилинади. Пул маблағларининг олди-сотдиси банклар иштироокисиз, фақатгина пул эгалари ва қарз олувчилар ўртасида ҳам амалга ошиши мумкин. Лекин, тижорат банклари воситачилиги функциясининг моҳияти шундаки банклар ўз фаолиятлари орқали иқтисодиётда таваккалчилик даражасини пасайтирадилар ва иқтисодиётдаги ноаниқликни бартараф этадилар. Тижорат банклари турли пул эгалари маблағларини жалб қилиб ҳолда уларни жойлаштириш

йўналишларини диверсификациялайди ва пул эгаларининг ялпи таваккалчилигини камайтиради.

Банкларнинг яна бир муҳим функцияларидан бири иктисодиётда жамғариш даражасини рағбатлантиришдир. Тижорат банклари ўзгариб турувчи депозит сиёсати (пул эгалари маблағларини жалб қилиш сиёсати) орқали маблағларни банк тизимига самарали сафарбар этадилар. Шунингдек, алоҳида субъектлар ўртасидаги тўловларни амалга ошириш ҳам банкларнинг муҳим вазифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки бўғиндан иборат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки унинг юқори бўлагини ташкил қилади. Қўйи бўғин банкларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган ва банк лицензиясига эга бўлган барча тижорат банклари ташкил қилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тижорат банклари тизими анча барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлди ва мамлакат молия бозори тизимида ресурсларни самарали сафарбар этиш ва тақсимлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни ечишда яқиндан ёрдам берди.

8-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк институтларининг
ривожланиши динамикаси**

Кўрсаткичлар	1995	2000	2005	2005 йилда 1995 йилга нисбатан, %
Тижорат банклари Сони	28	34	32	114,2
Тижорат банклари филиалларининг сони	509	800	805	158,1
устав капиталлари ҳажми, млн. сўм	383	144000	824000	

Манба: Ўзбекистон Республикаси маълумотлари асосида.

Жадвалдан кўринадики Ўзбекистон тижорат банклари ва филиалларининг сони барқарорлиги шароитида банк тизимининг салоҳиятидан далолат берувчи жами тижорат банкларн ўставлар ҳажмининг муттасил ошиб бориши кузатилади. Шунингдек, банк

тизимидаги тижорат банкларининг мулкый таркибларида ҳам сифат ўзгаришлари амлга ошди. Хусусан, ислохотларнинг илк даврида аксарият тижорат банклари давлат мулки шаклида бўлган бўлса 2005 йилнинг 1 январь ҳолатида мамлакат банк тизимида 11 та хусусий, 5 та хориж капитали иштирокидаги, 3 та давлат банклари ва 13 аралаш мулк шаклидаги тижорат банклари рўйхатга олинган. Бундан ташқари 1122 мини банк ва Ўзбекистон молия тизимида янги ҳодиса бўлган кредит иттифоқлари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакат тижорат банклари бугунги кунда иқтисодитдаги молия маблағларини тақсимлаб бериш вазифасидан ташқари иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, унинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва давлат билан бизнес субъектлари ўртасида бозор муносабатлари асосидаги янгича алоқаларни йўлга қўйиш билан боғлиқ стратегик масалаларни ҳам ечишга жалб этилган. Жумладан, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш харажатларини банклар томонидан мақсадли молиялаштириш, устувор тармоқларда юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, бўлажак ҳосил ва ер участкалари ижара ҳуқуқларини гаровга олиш эвазига тижоратли кредитлаш механизмлари, банк тизимининг барқарорлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслар депозитларини (жамғармаларини) суғурталаш амалиётлари кенг жорий қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бир мунча хусусиятлари юзага келди. Аввало банк тизимида банкларнинг сони нисбатан кам бўлиб чет мамлакатлар тажрибаси билан солиштирганда Ўзбекистон учун улар миқдори етарли эмаслиги кўзга ташланади.

Иккинчидан, банклар филиаллари сони ҳам етарли эмас. Филиалларининг аксарият қисми пойтахтда жойлашган. Фақатгина йирик бўлган: Пахтабанк, Миллий банк ва Асака банкларигина пойтахтдан ташқари вилоят марказларида ва вилоятларнинг йирик шаҳарларида филиал ва бўлимларига эга. Қолган кўпчилик банклар асосан Тошкент шаҳрида ёки бир нечта вилоятларда филиаллари тизимига эга холос.

Учинчидан, тижорат банкларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан яқиндан назорат қилиниб турилади.

Туртинчидан, ислохотлар вазифасидан келиб чиқиб Ўзбекистон банкларида давлат бюджети маблағларини халқ хўжалигини қайта қуришда тақсимлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

2. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ банк операцияларига тижорат банкининг *пассив операциялари* деб аталади. Тижорат банкларининг ресурслари уч турдаги манбалар ҳисобидан ташкил этилади: *ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва эмиссия қилинган маблағлар*.

Тижорат банкларининг *ўз маблағларига акционер* ва *резерв капитали* ҳамда *тақсимланмаган фойда* киради,

Акционер капитали акциялар чиқариш ва уларни жойлаштириш йўли билан яратилади.

Резерв капитали қутилмаган зарарларни қоплашга мулжалланган маблағ фонди бўлиб фойдадан ажратмалар ҳисобига яратилади.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари банк ресурсларини асосий қисмини ташкил этади.

Тақсимланмаган фойдага дивидендлар тўлаш ва резерв фондида ажратмалардан қолган маблағ киради.

Тижорат банкларнинг **жалб қилинган маблағлари** уларнинг ресурсларини асосий қисмини ташкил қилади. Улар *депозитлар* (жамғармалар) ва ҳамда *конткоррент* ва *корреспондентлик* ҳисобларидир. Улардан асосийси депозитлардир.

Депозитлар қуйидаги уч кўринишда бўлади: *талаб қилиб олгунгача, муддатли* ва *жамғарма* ҳисобларидир.

Талаб қилиб олгунгача ҳисоблар тижорат банкларининг мижозлари томонидан қўйилган пуллар йиғмаси бўлиб ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики одатда бундай ҳисоблар буйича тижорат банки уларга фоиз даромади тўламайди. Бунинг эвазига мижозларга пул ўтказиш, ҳисоб-

китоб ва баъзи комиссиялар бепул амалга оширилади. Лекин, бугунги кунда Ўзбекистон тижорат банклари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири - пул маблағларини кўплаб жалб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг кўпгина банклари *талаб қилиб олгунгача* ҳисобларига ҳам минимал фоиз тўлашни бошлашди.

Банк мижози томонидан маълум муддатга қўйиладиган пул ҳисобларини *муддатли* деб аташади ва унга юқори фоизлар тўланади. Бунда фоиз ставкалари жамғарманинг хажми ва қўйиладиган муддатига боғлиқ бўлади.

Жамғарма ҳисоблари асосан жисмоний шахслар яъни аҳоли даромадлари ҳисобига шакллантирилади ва одатда мақсадли йўналишга эга бўлади. Тижорат банклари аҳолидан жамғарма пулларини бирор бир байрам ёки маросимларга қайтариб бериш шарти билан қабул қилади. Мисол учун таътил, янги йил, туғилган кун ва шунга ухшаш маросимларда жамғарманинг тўлиқ қисми билан бирга фоизлари ҳам қайтариб берилади.

Тижорат банклари жалб қилинган маблағларини *банклараро кредитлар* ҳисобига ҳам жалб этишлари мумкин. Ушбу маблағлар кредит бозорида банклар томонидан берилиб муддати бир кундан бошлаб бир неча ҳафтагача бўлиши мумкин ва улар хусусиятига кўра қисқа муддатли кредитлар деб тавсифланади.

Эмиссия қилинган маблағлар банклар учун ўзининг ўзоқ муддатли хусусияти билан қулайдир. Бундай маблағларга: облигация заёмлари, банк вексели ва бошқа қимматли қоғозлар киради.

Тижорат банкларнинг турли йўллар билан жалб қилинган маблағлари мижозларни кредитлаш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланилади. Тижорат банкларининг ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ амалларга банкларнинг актив операциялари деб аталади.

Мижозларга берилаётган кредитларни муддатига қараб улар *муддатли* ва *онкол* турларига бўлинади. *Муддатли* тури кўрсатилган муддатда қайтарилиши шарт бўлса, *онкол* тури (on call - талабга асосан), банкнинг биринчи талаби билан банкка қайтарилиб берилиши лозим.

Берилаётган маблағларнинг таъминотига кўра ссудаларни куйидаги турларга бўламиз: *векселли, товарли, фондли* ва *бланкали* операциялар.

Векселли операциялар векселларни ҳисобга олиш ва вексел ҳисобидан ссуда бериш турларига бўлинади.

Векселларни муддатидан олдин сотиб олишга уларни ҳисобга олиш деб аталади.

Актив вексел операцияларига банкнинг *акцепт* ва *аваль* операциялари киради.

Товарларни ва товарлар ҳужжатларини гаровга олиш ҳисобига кредитларга *товарли ссудалар* дейилади. Уларга: варрант, коносамент, темир йул накладнойлари, самолёт, рифрежератор, трубопроводлар орқали юкларни ташиш накладнойлари ва бошқа юк-транспорт ҳужжатлари. Кредитлар ҳажми одатда гаровдаги товарларнинг 50-70 % атрофида бўлади.

Агарда, таъминот сифатида қимматли қоғозлар қатнашган тақдирда уларга банкларнинг *фонд операциялари* деб аталади. Кредитлар ҳажми одатда гаровдаги қимматли қоғозларнинг 50-70 % атрофида бўлади.

Банк томонидан берилаётган кредит таъминоти сифатида яна *кўчмас мулк*, ўзга банкнинг ёки суғурта ташкилотининг суғурта *кафолати* ҳам хизмат қила олади.

Мижозларни кредитлашда белгиланган бир тартиб амал қилади ва унда куйидаги босқичлар мавжуд:

- мижозни кредит заявқасини кўриб чиқиш;
- қарз олувчининг кредит қобилиятини банк томонидан ўрганиш;
- кредит шартномасини расмийлаштириш;
- кредит ажратиш;
- кредитни ва унинг фоизларини қайтариш жараёнларини назорати.

Кредит шартномасида қарз олувчи ва кредиторнинг ўзаро мажбуриятлари ва жавобгарликлари аниқланади ва белгиланади. Унда кредитни мақсади, кредитлаш объекти, кредит ҳажми, муддати, таъминот тури фоиз ставкаси ва бошқа шартлари белгиланади.

3. Комиссион ва траст операциялари

Тижорат банклари актив ва пассив операциялардан ташкари *комиссион ёки воситачилик* операциялари билан ҳам шуғулланишади. Тижорат банкининг мижоз ҳисобидан унинг топшириқларини бажариши билан боғлиқ амалларга комиссия операциялар деб айтилади. Бундай топшириқлар мамлакат чегарасида ёки бошқа мамлакатларга мижознинг пул маблағларини ўтказиб бериш эвазига комиссия ҳақи олишдан иборатдир.

Тижорат банкининг мижоз топшириғига кўра учинчи шахс номига (бенефициарга) белгиланган шартларни бажарилиши билан пул ўтказиб бериши ёки пул тўловини амалга оширишга аккредитив операцияси деб аталади. Мисол учун, мижоз бирор бир шахсдан товар олишни режалаштирганда шартнома шартига кўра у пулини ўз банкига аккредитив тўлов шarti билан топширади ва банкига шериги томонидан товарни ўз номига жунатиб юборилганлиги ҳақидаги товар-транспорт ҳужжатлари тақдим этилгандан сўнггина тўловни амалга оширирилиши лозимлигини уқтиради. Ушбу тўлов шакли *товар аккредитиви* бўлиб ҳисоб-китоб товарни банк томонидан қабул қилиб олгандан сунг ёки темир йул, сув, ҳаво ва бошқа транспортдан жўнатиб юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин банк томонидан амалга оширилади.

Банк амалиётида *пул аккредитивлари* ҳам кенг қўлланилади. Шу билан бирга, аккредитивларни *чақириб олинадиган, чақириб олинмайдиган, қопланган ва қопланмаган* турлари ҳам қўлланилади.

Инкассо операциялари банклари мижозларини топшириғига биноан уларнинг ҳисобларига пулларни қабул қилиб олиш амалиётига айтилади. Инкассо операциялари чек, вексел, товар ҳужжатлари ва қимматли қоғозлар билан амалга оширилади.

Факторинг операциялари воситачилик операцияси бўлиб ҳисобланади ва унга асосан банк мижознинг қарз талабномаларини уларнинг 80 % миқдорида нархи эвазига сотиб олади ва қолган қисмини фоиз даромадини чиқариб ташлагандан сўнг маълум бир муддатда тўлаш шартини олади.

Траст операциялари ёки *ишонч операциялари* ҳам деб юритилиши мумкин. Бу операцияга биноан банк мижозининг

мулкларини: кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, пул ёки моддий кўринишда бўлган бошқа мулкларни сақлаш ва бошқариш эвазига даромад олиши кўзда тутилади ва натижада банк миқозига қатъий белгиланган фоиз даромадини тўлашни ваъда қилади.

4. Банкларнинг корреспондентлик алоқалари

Тижорат банклари миқозларининг тўлов талабномалари ва ўз операцияларини амалга ошириш учун бир-бирлари ўртасида корреспондентлик алоқалари ўрнатишади. Мисол учун, миқоз талаби бўйича пул ўтказилиши лозим бўлган пунктларда ўз филиал ёки бўлимига эга бўлмаса унда у уша ердаги бошқа банк билан ўзаро тўлов учун корреспондентлик келишуви ўрнатади ва ўзи ҳам уша банкнинг тўловларини бажариш шартини олади. Корреспондентлик муносабатларини амалга оширишда банклар шифрлар тизимидан фойдаланишади ва бунда асосий ҳужжат бўлиб телекс хабарлари хизмат қилади.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар

жамғарма	жалб қилинган маблағ	контокоррент ҳисоби
онкол кредити	акционер капитали	коносамент
варрант	резерв капитали	актив операциялар
акцепт	аваль	пассив операциялар
	аккредитив операцияси	
	товар-транспорт ҳужжатлари	

Назорат саволлари

1. *Тижорат банкларининг пассив операциялари деб нимага айтилади?*
2. *Тижорат банкларининг қайси маблағлари ўз ресурсларига киради?*
3. *Банк жамғармалари турларини айтиб беринг?*
4. *Тижорат банкларининг актив операциялари деб нимага айтилади?*
5. *Миқозларга кредит бериш билан боғлиқ тижорат банкларининг қандай асосий операцияларини биласиз?*
6. *Тижорат банкларининг коммиссион операциялар деб нимага айтилади?*
7. *Тижорат банкларининг банки фойдаси манбаларини кўрсатинг.*

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишинг якунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Халқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 96 б.И. А. Каримов. "Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.
5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Асқарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. — 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.

18. А. Мамамазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Ҳалқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налоогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацканян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.
28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. Спб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
41. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.

42. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
43. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
44. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
45. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
46. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
48. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004
50. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

9 - Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг биржа тизими

Режа:

1. Биржа тизимининг структураси.
2. Ўзбекистон Республикасида биржа тизимини шакллантиришнинг хусусиятлари.
3. Хусусийлаштириш ва Ўзбекистон Республика фонд биржасининг ушбу жараёндаги роли.
4. Ўзбекистон Республикасида валюта, товар ва меҳнат биржалари.

1. Биржа тизимининг структураси

Биржалар бозор институтлари ичида қадимдан пайдо бўлганлардан бири ҳисобланадилар. Энг қадимги биржаларга Амстердам, Мюнхен биржалари киради.

Биржаларда асосан стандартлаштирилган товарлар сотилади ва ўз моҳиятига кўра улар ихтисослаштирилган товарларнинг улгуржи бозоридир. Ихтисослаштирилган *биржа товарлари* деганда бугунги кунда энергия маҳсулотлари: нефть, газ, кўмир ва бошқалар; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: буғдой, макка-жўхори, пахта ва бошқалар; металллар: олтин, кумуш, мис, алюминий, темир ва бошқалар кўзда тутилади.

Бозорларнинг турига мувофиқ у ерда фаолият кўрсатаётган биржалар тури ва уларнинг номи, шакли ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Бугунги кунга келиб биржаларнинг қуйидаги *таркиблари* шаклланган:

2-чизма

Товарлар ва хизматлар Бозори	Капиталлар бозори	Меҳнат бозори
Товар ва хом-ашё биржаси Товар ва фонд биржаси Универсал биржалар Пахта биржаси Олтин биржаси Рангли металллар биржаси ва хоказолар.	Фонд биржаси Валюта биржаси	Меҳнат биржалари

Албатта амалиётда ушбу биржаларнинг мамлакат хусусияти ва шарт-шароити таъсирида турли хил комбинациялари учраши мумкин бўлсада мохиятига кўра уларнинг жадвалда кўрсатилган биржалардан ҳеч қандай фарқли томони бўлмайди.

2. Ўзбекистон Республикасида биржа тизими шаклланишининг хусусиятлари

Мустақиллик йиллари давомида *Ўзбекистон биржа тизими* биржа институтларининг тўлиқ таркибига эга бўлди. Биржа институтлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва объектив реаллик асосида вужудга келди ва бозор иктисодиётида мавжуд бўлган бозор инфратузилмасини асосий бўғинлари-дан бирига айланди.

Мамлакатимизда биржа тизимининг ривожланиши икки босқичдан иборат бўлди.

Биринчи босқич: 1991 йилдан 1995 йилгача. Ушбу даврда биржа тизими шаклланди ва ташкилий-ҳуқуқий томондан ўз қунини топди.

Иккинчи босқич: 1995 йилдан бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Бу давр биржа тизимининг турли бўлаклари фаолиятини янада такомиллаштириш даври бўлмоқда деса ҳам бўлади.

3-қизма

Ўзбекистон биржа институтларининг ташкилий таркиби

Ўзбекистон республикаси хом ашё биржаси	экспорт маркази (эркин экспортнинг 95% мазкур биржа орқали амалга оширилади)
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат биржаси	кенг номснклатурадаги товарларнинг майда ва улгуржи бозори
Ўзбекистон Республикаси кўчмас-мулк биржаси	давлат объектларини сотиш
“Тошкент” фонд биржаси	давлат мулкани акционер мулкка айлантириш воситаси
Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси	давлат облигацияларини сотиш ва чет эл валютаси савдоси
Ўзбекистон Республикаси меҳнат биржаси	аҳолини иш билан банд этиш буйича давлат хизмати

Манба: Ўзбекистон биржа институтлари маълумотлари асосида автор томонидан тўзилган.

Табийки, Ўзбекистонда биринчи бўлиб товар ва хизматлар бозори даражасида *товар биржалари* пайдо бўлди.

1991 йилнинг август ойида Ўзбекистонда «Тошкент» товар-фонд биржаси ташкил этилди. Нархлар либерализацияси, маҳсулотларни марказлаштирилган сотиб олиш механизмини сусайиши, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишда ҳисоб-китоблар тизимини қийинлашуви, давлат таъминоти тизимини (Госснаб) бекор этилиши натижасида мамлакатимизда қисқа муддатлар ичида 36 товар-хом-ашё биржаларини пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу кўплаб пайдо бўлган биржалар Госснаб ўрнида пайдо бўлган бўшлиқни тўлдиришга отилдилар. 1992 йил июнь ойида "Биржа ва биржалар фаолияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилиниши ва унда қўйилган қатъий талабларга жавоб бера олмаслиги натижасида биржаларнинг кўпчилиги ўз ўзидан йўқолиб кетдилар.

Ўзбекистон Республикаси товар-хом-ашё биржаси бугунги кунда мамлакатда марказлашмаган экспортни амалга ошириш марказига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 января 1994 йилги "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу жараёнларни тезлашувига туртки берди. Фармон тадбиркорлар учун агарда улар етиштирган маҳсулотларини биржа орқали сотганларида турли хил имтиёзлар белгилаб берди. Жумладан, экспорт контрактларини расмийлаштириш жараёнлари, муддатлари соддалаштирилди ва кескин камайтирилди. Бундан ташқари олди-сотди операцияларидан олинadиган тўловлар ниҳоятда паст даражада белгиланди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржаси оборотининг 95 % и Ўзбекистон эркин экспорти (Марказлашган экспортдан ташқари) ҳисобига тўғри келди.

3. Хусусийлаштириш ва Ўзбекистон Республика фонд биржасининг ушбу жараёндаги роли

"Тошкент республика фонд биржаси (РФБ) қимматли қоғозларнинг *иккиламчи бозори* бўлиб унда аввал муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни олди-сотди амалиётларини

бажариш кўзда тутилган. Амлада эса қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорини етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли "Тошкент" Республика фонд биржасида акционерлик жамиятлари (АЖ) томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияларини жойлаштириш амаллари ҳам кенг кўламда олиб борилади.

Ислохотларни амалга ошириш давомида хусусийлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва механизмини яратиш мақсадида "Тошкент" Республика фонд биржасига унга хос бўлмаган вазифалар бириктириб қўйилди. Унга биноан давлат мулки шаклида бўлган корхоналар акционерлик корхонаси мулк шаклига ўтиши оқибатида ўз акцияларини эмиссия қилишлари кўзда тутилган. Ушбу эмиссия жараёнларини тартибли, марказлашган ва юқори савияда ўтказиш мақсадида "Тошкент" Республика фонд биржаси хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг эмиссия жараёнларини амалга оширишда маъсул этиб белгиланди.

"Тошкент" Республика фонд биржаси олдида қўйилган вазифани тўлиқ уддалади ва Ўзбекистонда давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг ўзига хос воситаси бўлди деса ҳам бўлади.

"Тошкент" Республика фонд биржаси обороти ташкил этилган кундан - 8 апрел 1994 йилдан 2004 йил охиригача 98 млрд. 609 млн. 100 минг сўмга тенг бўлди. Қуйидаги жадвалда биржа савдоси ҳажмлари келтирилган.

9-жадвал

**“Тошкент” РФБ 1994-2004 йиллардаги обороти
(млн. сум ва дон)**

Йиллар	1994	1996	1998	2000	2002	2003	2004	жами
Битимлар ҳажми, млн. сум.	31.0	2815.4	3522.9	3800	15100	32100	41240	98609.1

Манба: "Тошкент" РФБнинг 1994-2000 йиллардаги информацион бюллетенлари асосида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси фонд бозори инфратузилмаси бугунги кунда тез суръатларда шаклланиб бормоқда. Янги алоқа ва ахборот технологияларининг жорий этилиши соҳанинг янада

ривожланиши ва жаҳон молия бозорларига интеграциялашувига кенг имкониятлар яратиб беради.

Мамлакат фонд бозорининг яна бир хусусиятларидан бири аксарият қимматли қоғозларнинг нақдсиз (бланкасиз) шаклда эмиссия қилинганлигидадир. Қимматли қоғозларнинг нақдсиз кўринишдаги эмиссияси уларнинг муомала харажатларини пасайтириши билан бирга, қалбакилаштириш, юқотиш ва шунга ўхшаш бошқа хавфлар даражасини кескин пасайтиради.

Бугунги кунда мамлакат фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сақлаш ва муомаласини таъминлаш мақсадида Марказий депозитарий билан бирга 30 дан ортиқ ҳудудий депозитарийлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу депозитарийларда бугунги кунда 526 мингдан ортиқ депонент ҳисоблари очилган бўлиб, уларнинг 510 мингтасида жисмоний шахслар ва 16 мингдан ортигида эса юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари сақланади. Қимматли қоғозларнинг Давлат реестрида 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, умумий қиймати 3111,5 млрд. сўмга тенг бўлган 13558 та акцияларнинг эмиссияси ва 51,2 млрд. сўмга тенг бўлган 88 корпоратив облигацияларнинг эмиссияси рўйхатга олинган. Натижада Ўзбекистон Республикасининг ялпи қимматли қоғозлар бозори кейинги йилларда тез кенгайиб бормоқда ва 2004 йил натижаларига кўра, унинг ҳажми мамлакат ЯИМ га нисбатан 25 фоиздан ортиқ кўрсаткични ташкил этди.

Мамлакат қимматли қоғозлар бозорида 2004 йилда умумий ҳажми 146,3 млрд. сўмлик акция ва корпоратив облигациялар сотилган бўлиб, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 56,8 фоизга кўп бўлди. Қимматли қоғозлар бозори айланмасида асосий ўринни акциялар савдоси эгаллади ва 2004 йилда унинг ҳажми 115,0 млрд. сўмга тенг бўлди ёки умумий бозор айланмасининг 80 фоизига яқинни ташкил этди.

**Қимматли қоғозлар бозорида акциялар
савдоси ҳажми (млрд. сўм)**

Йиллар	Бирламчи бозорда		Иккиламчи бозорда		Жами	
	Сумма	Жамига нисбатан, %	Сумма	Жамига нисбатан, %	Сумма	Жами га нисба тан, %
2002	16,33	39,2	25,41	60,8	41,74	100
2003	53,9	72,2	20,8	27,8	74,7	100
2004	62,08	54,0	52,95	46,0	115,03	100

Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида 2004 йилда ўтган йилга нисбатан сезиларли ўсишга эришилди. Жумладан, бирламчи бозор айланмаси ўтган йилга нисбатан 15,2 фоизга ўсган бўлса, иккиламчи бозордаги ўсиш 2,5 марта кўп бўлди.

“Тошкент” Республика фонд биржаси бугунги кунда мамлакат фонд бозорининг асосий қисmini ташкил қилади. У моҳиятига кўра, иккиламчи бозор бўлиб, унда асосан илгари муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди амалиётлари бажарилади. Бозор иқтисодиётга ўтишнинг мураккаблилиги ва кенг кўламли эканлиги “Тошкент” фонд биржаси олдида мамлакатда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига яқиндан кўмаклашиш вазифаларини ҳам юклатди. Шу сабабли, бугунги кунда, “Тошкент” Республика фонд биржасида хусусийлаштириш натижасида акционерлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияларини жойлаштириш амаллари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Натижада, “Тошкент” Республика фонд биржаси ўз фаолиятини нафақат иккиламчи бозорда, балки мамлакатимизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни хусусиятидан келиб чиқиб бирламчи бозорда ҳам давом эттириб келмоқда.

**Биржа ва биржадан ташқари бозорларда акциялар
савдоси ҳажми (млрд. сўм)**

Йиллар	Бирламчи бозорда, жумладан		Иккиламчи бозорда
	Биржадан ташқари бозорда	Биржа бозорида	Биржадан ташқари бозорда
2002	5,8	10,53	20,8
2003	34,2	19,7	8,4
2004	43,6	18,48	30,19

Жадвалдан кўриниб турибдики, кейинги йилларда хусусийлаштириш натижасида акционер корхоналар акцияларининг эмиссиялари асосан биржадан ташқари бозорда кенгроқ амалга оширилаётганлиги ва бунда мамлакат фонд

биржасининг улуши объектив равишда пасайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, иккиламчи бозордаги акциялар савдосида табиий равишда биржа айланмасининг ўсиб боришини ижобий тенденция деб баҳолаш мумкин. Биржадан ташқари бозорнинг ҳам юқори даражада сақланиб келаётганлиги хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг меҳнат жамоаларига тўғридан-тўғри сотилиши ва акцияларнинг кичик пакетларига эга бўлган акционерларнинг биржадан ташқаридаги сотувлари ўз таъсирини кўрсатди.

4. Ўзбекистон Республикасида валюта, товар ва меҳнат биржалари

Ўзбекистон Республика валюта биржаси валюта бозорининг асосини ташкил этади. Валюта биржаси мамлакатдаги чет эл валютасига бўлган эҳтиёжни таъминлаш билан бирга халқ хўжалигини модернизация қилиш ва структуравий қайта қуриш жараёнларини амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларга валюта биржасида устувор конвертациялаш ҳуқуқи берилади. Бунинг натижасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида ишга туширилган замонавий технологиялар билан таъминланган барча корхоналар асбоб-ускуналари валюта биржаси орқали конвертациялаш билан амалга оширилди.

Ўзбекистон валюта биржасида чет эл валюталари савдоси билан бирга бугунги кунда *Давлат қисқа мuddатли облигацияларини* (ДҚМО) сотиш операциялари ҳам амалга оширилади. ДҚМО сотиш эвазига ҳукумат ички бозордаги вақтинча бўш бўлган пул маблағларини жалб қилиш орқали *бюджет камомадларини* қоплаш имконига эга бўлди.

Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини кириб келишини рағбатлантириш, чет эллик ишбилармонларни фаолиятини ва манфаатларини таъминлаш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистонда фаолият юритаётган ва экспортга маҳсулот етказиб бераётган корхоналар ҳам валюта қонунчилигига биноан валюта биржасида устувор конвертация

қилиш ҳуқуқини олишди. Демак, Ўзбекистон валюта биржасининг асосий мақсадларидан бири ўтиш даврида чекланган валюта ресурсларидан унумли фойдаланиш эвазига халқ хўжалигини қайта қуриш ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилгандир.

Мамлакат валюта бозорини муваффақиятлари билан бирга ўтиш даври билан боғлиқ ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб булар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, валюта бозорида қўлланилаётган нархлар сиёсати бугунги кунда валюта бозорини кенгайтиришга ва уни эркинлаштиришга имкон бермайди.

Иккинчидан, валюта қонунчилигидаги мавжуд тартиб бозорда асосан ҳаридорлар сонини кўпайишига ва сотувчилар сонини эса оширмасликка олиб келмоқда. Жумладан, валюта бозорида сотувчи сифатида асосан ҳукумат структуралари ва кам сонли экспортёрлар қатнашишади. Харидор сифатида эса давлат структураларидан ташқари турли туман мулк шаклига асосланган корхона ва ташкилотлардан ташқари жисмоний шахслар ҳам қатнашишади. Валюта бозорида мамлакатимиз миллий валютасининг чет эл валюталарига нисбатан курсининг девальвацияланиши мамлакатдаги инфляция суръатларидан паст бўлган даражада амалга оширилиши бугунги кунга келиб валюта бозорида валюта таклиф этувчилар сонининг кескин камайиб кетишига ва ўз навбатида арзон курсда валюта харид қилувчилар сонининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида кўплаб харидорлар эҳтиёжи қондирилмасдан қолмоқда. Оқибатда ушбу эҳтиёжларни қондириш мақсадида мамлакатда қайси бир маънода параллел (қора) бозор вужудга келди.

10-жадвал

**Сўмни АҚШ долларига айирбошлаш курси
2000-2005 йиллар учун ўртача кўрсаткич**

Давр	ЎЗМБ курси (сўм/\$)	Ўтган давр билан таққослагандаги ўзгаришлар (фоизда)	Нақд хорижий валюта курси (сўм/\$)	Ўтган давр билан таққослаган даги ўзгаришлар (фоизда)
2000	236,6	89,9	450,1	183,5

2001	422,9	78,8	829,0	84,2
2002	770,8	82,3	1093,8	31,9
2003	971,6	26,0	995,1	-9,0
2004	1058,0	8,0	1062,5	6,8
2005	1180	12,0	1196	13.9

Бозор шароитида меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда *меҳнат биржалари* ташкил этилди. Маълумки, ўтиш даврида ишчи кучларидан интенсив равишда фойдаланиш натижасида қўплаб ишчи кучлари турли сабабларга кўра ишлаб чиқариш жараёнларидан сиқиб чиқарилади. Уларни қайта тайёрлаш, янги иш жойлари яратиш ва бўшаб қолган ишчи кучларини эҳтиёж сезилаётган соҳаларга қайта тақсимлаш лозим бўлиб қолмоқда. Ташкил топган меҳнат биржалари айнан ана шу вазифаларни бажаришга қаратилгандирлар.

Албатта, меҳнат ресурслари бозор механизмлари асосида табиий равишда қайта тақсимланаверилади. Лекин, меҳнат биржалари ушбу жараёнларда пайдо бўлиши эҳтимоли бўлган ижтимоий оқибатларни юмшатишга ва юқори савияда ташкил этишга имкон туғдиради.

Ўзбекистон меҳнат биржалари ўз фаолиятларини бугунги кунда янги иш жойларини яратиш билан бирга *ишчи ўринлари ярмаркаларини* ўтказиш, *ишсизларни рўйхатга олиш* ва уларни *ижтимоий ҳимоялаш*, ортиқча ишчи кучларини *меҳнат миграциялари* шаклида чет элга экспорт қилиш шаклида амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бугунги кунда меҳнат биржалари томонидан ҳалқаро шартномалар асосида 14 *мингга яқин* Ўзбекистон фуқаролари Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Канада, Россия ва бошқа мамлакатларда меҳнат қилмоқдалар. Ушбу соҳада қилинаётган ҳаракатларга қарамай меҳнат бозорида мавжуд қийинчиликлар тўлиқ ечилмай келинаётир. Бозорда меҳнат ресурсларига бўлган таклиф ва талаб ўртасидаги номуаносибликлар бартараф этилгани йўқ. Мисол учун, ишчи кучи таклифи жуда ҳам катта бўлиши ва уни иш билан таъминлаш масалалари ечими етарли даражада ҳал қилинмагани билан бирга, юқори технологик соҳаларда малакали ишчиларга бўлган талаб қондирилмасдан қолмоқда. Шунингдек, бугунги кунда жадаллашшиб бораётган

ташқиллаштирилмаган меҳнат миграциясининг ҳажми, оқибатлари, уни тартибга солиш механизмлари борасида тадқиқотлар олиб бориш, ноқонуний миграцияга жалб этилган мамлакатимиз фуқароларининг чет элдаги барча ҳуқуқларини фаол ҳимоялаш ишларини олиб бориш лозим. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон меҳнат биржалари ўз фаолиятларини ташкил этиш жараёنларида халқ хўжалигида кўзатилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнини таъминлаш мақсадида ишчи кучлари малакасини ошириш уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирларига кенг эътибор қаратмоқлари лозим. Шу билан бирга, меҳнат бозорида ортиқча таклифни камайтириш мақсадида чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш орқали қонун доирасидаги *меҳнат миграциясини масштабларини* жадал суръатлар билан кенгайтириш бугунги кунда мақсадга мувофиқ йўللardan бири бўлиб қолмоқда.

Мавзунини ўрганиш билан боғлиқ таянч иборалар

биржа	стандартлашган товар	валюта биржалари
депозитарий	меҳнат миграцияси	валюта қонунчилиги
фонд биржалари	меҳнат ярмаркалари	меҳнат биржалари
иккиламчи бозор	товар биржалари	параллел бозорлар
бирламчи бозор	облигациялар бозори	
биржа тизими	бланкасиз қимматли қоғозлар	

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2006 йилдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Халқ сўзи 10 февраль 2006 йил.
2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б. И. А. Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусағасида." Т. 1997г.
4. И. А. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т. 1995 й.

5. Ё.Абдуллаев. Иқтисодий билимлар серияси: пул, солиқлар, молия, кредит ва бошқалар. Тошкент. 1997-2000 йй.
6. Ш Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. Тошкент., 2000.- 310 б.
7. Финансы и кредит: Учеб. пособие/ Под ред. проф. А. М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 512 с.
8. Л.А. Дробозина. Финансы, денежное обращение и кредит. Москва: "ЮНИТИ" 2000. 460 с.
9. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
10. Л.А. Дробозина. "Финансы" учебник. М. "Финансы и статистика" 2001
11. А. Ишмухаммедов, М. Асқарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004. ўқув қўлланма.
12. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тўзувчи: проф. Н.Т.Тухлиев. Тошкент. 1998 й.
13. И. Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент: Консаудитинформ. 2001. – 496 б.
14. И. Бутиков. Рынок ценных бумаг. Ташкент: Консаудитинформ. 2001. 471 с.
15. Деньги и финансы. С.Петербург: Питер. 2000. 144 с.
16. К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик Тошкент – 2000й.
17. Солиқ қонунчилиги асослари ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 йил.
18. А. Маманазаров. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2003. – 146 с.
19. М. Ҳайдаров. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: ФАН. 2003. 155 б.
20. И.А.Завалишина. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент: 2002. Издательский Центр Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана.
21. П. Союз. Банковский менеджмент. М.: Дело. 1997. – 712 с.
22. В.В. Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. 2003. – 256 с.
23. А.Г. Мнацкян. Деньги и кредит. Учебное пособие. Калининград. 2000.-184 с.
24. Дж. М. Кейнс. Общая теория занятости процента и денег. Москва: 1968.
25. Ф.М. Муллажанов. Банковская система Узбекистана за годы независимости. Ташкент: 1996 г.
26. А.Н. Козырин и др. Публичные финансы государств АТР. М.: 1998. – 194 с.
27. А.Г. Наговицин. Валютная политика. М.: 2000. – 512 с.

28. А.С. Новосёлов. Региональные рынки. Учебник. Москва Инфра 2004. с 450.
29. Ю.В. Пашкус. Происхождение денег: прошлое и современность. Изд-во С.Петербургского Университета. СПб. 2003. с.339.
30. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1965.
31. М.Г. Матвеев. Основы экономических знаний. Т.: 2002.
32. Б.А. Райзберг. Современный экономический словарь. М.: 2000. с. 545.
33. Н.Т. Тўхлиев. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. Тошкент 1999 й.
34. Узбекистан за годы независимости. Статистический сборник. Т.: Узбекистан. 1996 г.
35. Финансы. Учебник. М. 2005. под. ред. Проф. Б.Г. Болдырева.
36. С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев. Иқтисодий билим асослари. Ўқув кўлланма. Т.: Молия. 2002. 224 б.
37. Дж. Ван Хорн. Основы управления финансами. Москва. ФиС.2003 с.799.
38. В.В. Бочаров. В.Е. Леонтев. Корпоративные финансы. СПб Питер 2002. 544 с.
39. А. М. Бабич. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
40. Н.Хайдаров “Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
41. В.М. Родионова. Финансы, Москва: Финансы и статистика, 2000 г.
42. Финансы. Денежное обращение. Кредит: конспект лекций. - М.: ПРИОР, 2000. - 176 с.
43. А.М. Ковалева. Финансы - М.: издат “Финансы и статистика”, 2000.
44. Соколова Н. “Финансы, денежное обращение и кредит” М. Юрайт, 2000
45. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Под ред Г.Б. Поляка. Учеб. Второе изд. . - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 512 с.
46. Финансы: Учебник для вузов/ Под ред. проф.Романовского, О. В. Врублевской, проф. Б. М. Сабанти. - М.: Перспектива, Юрайт, 2000. - 520 с.
47. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. Тошкент 2005 й.
48. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. 2004 й.
49. Ўзбекистон Республикаси. 2004 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2005.
50. Ўзбекистон Республикаси. 2003 йил бўйича аналитик шарҳ. № 4. апрель. Тошкент: 2004

51. "Бозор пул ва кредит", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Рынок, деньги и кредит", "Экономическое обозрение" даврий нашрлари.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги тижорат банклари тўғрисидаги маълумотлар

Тижорат банклари номи	таш.эт. вакти	Мулк шакли	филиал сони	Устав кап. млн.сўм
1. ТИФ миллий банк	07.09.1991	давлат банки	98	9668
2. Халқ банки	22.10.1993	давлат банки	203	4681
3. Асака банки	01.19.1996	давлат акциядорлик тижорат банки	25	5475
4. Ипотека банки	03.24.1997	акциядорлик тижорат банки	27	2825
5. Ўзсаноат қурилиш банк	06.25.1991	акциядорлик тижорат банки	46	6000
6. “Пахта банк”	09.07.1995	акциядорлик тижорат банки	182	8461
7. “Ғаллабанк”	06.27.1994	акциядорлик тижорат банки	29	1655
8. АТББ “Турон”	12.31.1990.	акциядорлик тижорат банки	11	738
9. “Тадбиркор банк”	04.28.1993	акциядорлик тижорат банки	91	2507
10. “Савдогар банк”	05.12.1994	акциядорлик тижорат банки	54	1568
11. ОАТ “Алоқабанк”	1997.07.28.	акциядорлик тижорат банки	6	1500
12. “Трастбанк” АББ	1994.06.21	акциядорлик тижорат банки	2	959
13. АИТБ “Ипак йўли”	31.12.1990	акциядорлик тижорат банки	4	600
14. АТБ “Авиабанк”	26.02.1997	акциядорлик тижорат банки	-	1000
15. ОАТБ “Ҳамкорбанк”	29.07.2000	акциядорлик тижорат банки	12	526
16. АБН Амро Банк Ўзбекистон МБ, ХЖ	16.11.1996	қўшма банк	-	497
17. “Ўзприватбанк”	28.02.1995	қўшма банк	-	328
18. “Ўз ДЭУ Банк”	17.10.1996	қўшма банк	-	511
19. ЎТ банк”	13.05.1993	қўшма банк	-	400

20. Эрон “Содерот” банкининг Тошкентдаги шуъба банки	26.08.1999	хорижий банкнинг шуъба банки	-	581
21. “Парвина банк”	10.05.1994	хусусий банк	-	344
22. ХОАТБ “Алп Жамол Банк”	16.03.1998	хусусий банк	-	100
23. ХОАТИБ “Туркистон”	16.03.1998	хусусий банк	-	30
24. ХОАТБ “Истиқбол Банк”	19.05.1998	хусусий банк	-	41
25. ХОАТБ “Уктам банк”	30.10.1998	хусусий банк	-	53
26. ХОАТБ “Адилет”	24.08.1999	хусусий банк	-	51
28. ХАТБ “Карвон банк”	26.08.1999	хусусий банк	-	404
29. ХЁАТБ “Сугдиёна банк”	04.09.2000	хусусий банк	-	40,2
30. ХОАТБ “Ташаббус”	25.11.2000	хусусий банк	-	50
31. ХЁАТБ Самарқанд	30.12.2000	хусусий банк	-	50
32. “Капитал Банк”	07.04.2001	хусусий банк	-	100


1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётга солиқ
юки даражасининг динамикаси (фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
ЯИМ	100	100	100	100	100
ЯИМга нисбатан бюджет даромадларининг салмоғи	28,5	26,1	25,2	24,2	22,5
ЯИМга нисбатан бюджетдан ташқари фондлар даромадларининг салмоғи	9,3	9,0	8,9	6,2	8,4
ЯИМ, млрд. сўм	3194,5	4868,4	7469,3	9664,1	12189,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. www.mf.uz/

**1-диаграмма. Давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати динамикаси.
ЯИМга нисбатан фоизларда**




Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари (фоиз)

Кўрсаткичлар	2000 йил		2001 йил		2002 йил		2003 йил		2004 йил	
	Жами даромадга нисбатан	ЯИМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯИМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯИМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯИМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯИМга нисбатан
Ялпи ички маҳсулот, (ЯИМ)		100,0		100,0		100,0		100,0		100,0
Давлат бюджети даромадлари, жами	100,0	28,5	100,0	26,1	100,0	25,2	100,0	24,2	100,0	22,5
шу жумладан:										
1. Бевосита солиқлар, жами	26,1	7,5	28,2	7,4	27,1	6,8	26,3	6,4	27,2	6,0
2. Билвосита солиқлар, жами	45,5	16,0	52,4	13,5	54,6	13,8	57,8	14,0	58,5	13,8
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	9,8	2,8	7,3	2,4	7,5	1,9	9,5	2,3	9,9	2,6
4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш учун солиқ	1	0,3	2,8	0,3	2,1	0,5	1,7	0,4	1,7	0,4
5. Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар	17	1,9	9,9	2,4	8,7	2,2	4,6	1,1	2,6	0,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари www.mf.uz/

**2-диаграмма. Давлат бюджети даромадлари турларининг
умумий даромадлар таркибидаги улуши динамикаси**



3- жадвал.

Тўғри солиқлар таркиби (жамига нисбатан)

№	Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
1.	Тўғри солиқлар	100	100	100	100	100
1.1	Юридик шахсларнинг (фойдаси) даромадидан олинадиган солиқ	49,4	39,5	34,4	34,1	29,9
1.2	Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан солиқ	-	-	-	-	8,5
1.3	Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими асосида микрофирма ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ	-	7,8	13,1	14,1	10,2
1.4	Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ	44,5	44,9	45,6	46,7	46,2
1.5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар даромадидан олинадиган солиқ	6.1	7.6	6,9	5,1	5,2

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2004 йил 8-сон.

4-жадвал

Эгри солиқлар таркиби (жамига нисбатан)

№	Кўрсаткичлар	2000й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
1.	Эгри солиқлар	100	100	100	100	100
1.1	ҚҚС	47,3	48,8	43,9	39,6	42,5
1.2	Акциз солиғи	48,4	46,3	48,3	51,3	48,2
1.3	Божхона божлари	2	2,7	2,9	3,0	3,6
1.4	Жисмоний шахслардан ягона божхона тўлови	2,3	2,2	2,4	3,3	2,5
1.5	Жисмоний шахслардан бензин, дизель ёкилгиси ва транспорт воситалари газ истеъмоли учун олинадиган солиқ	-	-	2,5	2,8	3,2

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2004 йил 8-сон.

5-жадвал.

Давлат бюджетининг харажатлари таркиби (ЯИМга нисбатан)

№	Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
1.	Харажатлар	29.5	27	25,8	24,6	22,9
1.1	Ижтимоий соҳага	10.4	10.2	9,8	9,3	9,1
1.2	Ижтимоий химояга	2.3	2.1	2,0	2,1	1,8
1.3	Иқтисодиёт учун харажатлар	3.0	2.3	2,3	3,0	3,1
1.4	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	6.0	5.0	4,7	3,3	2,7
1.5	Давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларига харажатлар	0.6	0.6	0,5	0,5	0,6
1.6	Бошқа харажатлар	7.2	6.8	6,5	6,4	5,6


Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2004 йил 8-сон.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари динамикаси
(млрд.сўм ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2002 й.	2003 й.	2004 й.
Харажатлар, мақсадли жамғармаларсиз – жами	1925,7	2385,6	2743,2
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари, жами	884,2	1096,3	1305,4
жумладан: Маориф	500,9	628,8	753,4
Соғлиқни сақлаш ва спорт	184,8	231,2	282,2
Фан, маданият, оммавий ахборот воситалари	38,0	44,3	51,3
Ижтимоий таъминот	8,8	9,5	10,8
Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш	27,2	26,6	21,7
Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	112,6	138,3	167,1
Иқтисодиётга харажатлар	172,3	261,2	342,1
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш	348,7	320,2	300,0
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд органлари харажатлари	39,9	44,2	54,0
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	8,8	12,6	15,9
Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси	21,1	56,7	41,3
Бошқа харажатлар	450,6	569,4	659,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

**3-диаграмма. 2004 йилги Давлат
бюджети харажатларининг таркиби**




- Ижтимоий соца ва ашқолини ижтимоий =ыллаб=увватлаш харажатлари, жами
- И=тисодиётга харажатлар
- Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш
- Давлат шокимияти, бош=арув органлари ва суд органлари харажатлари
- Фу=ароларнинг ыз=ызини бош=ариш органлари
- Вазирлар Мащкамасининг захира жамлармаси
- Бош=a харажатлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 2003-2005 йилларда иқтисодиёт учун сарфланаётган маблағлар (млн.сўм ҳисобида)


Харажат турлари	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Иқтисодиётни ривожлантириш харажатлари, жами	261189,7	342091,5	428037,9
шу жумладан:			
Сув ҳўжалигини сақлаш	186131,2	261061,5	335353,5
Шаҳар ва туманларни ободонлаштириш	21313,7	27498,4	32769,2
Бошқалар	53744,8	53531,7	59915,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлар.

1-чизма. Инфляция даражаси динамикаси, %да




**2-чизма. Ўрта ва узоқ муддатли кредитларнинг
жами кредит қўйилмаларидаги улуши,%да**




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фоиз ставкаларининг ўзгариши (%)

Давр	Қайта молиялаш йиллик ставкаси	Қисқа муддатли кредитларнинг ўртача ставкаси, сўмда	Юридик шахсларга муддатли депозитлар учун ўртача ставка, сўмда	Жисмоний шахсларга муддатли депозитлар учун ўртача ставка, сўмда
2000	32,3	25,7	12,9	32,2
2001	26,8	28,0	16,0	38,1
2002	34,5	32,2	19,2	40,2
2003	27,1	28,1	17,1	36,2
2004	18,8	21,2	11,3	34,5


**3-чизма. Тижорат банклари ялпи капиталининг
ўзгариш динамикаси (млрд. сўм)**




**4-чизма. Банклардаги аҳоли омонатларининг
ўсиш динамикаси, млрд. Сўм**




**5-чизма. Кичик тадбиркорлик субъектларига
ажратилган кредитлар (млрд. сўм)**




6-чизма. Фаолият юритаётган мини-банклар сони (та)




**7-чизма. Республика бўйича пластик карточкалар орқали операциялар ўтказиш
пунктларининг сони, 2005 йил 1 январ**



8-чизма. Республика бўйича пластик карточкаларни қабул қилиш пунктларининг ўсиш динамикаси



9-чизма. Республика бўйича муомалага иқарилган пластик карточкалар сони



9-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит
сертификатлари тўғрисида маълумот (млрд сўмда)**

№	Тижорат банкларининг номланиши	Депозит сертификат Эмиссияси	Эгаллаган Улуши%
1.	«УЗДЭУБАНК» қўшма банки	33.0	32.5%
2.	«АБН АМРО Банк» қўшма банки	16.6	16.3%
3.	ДАТ «Асака банк»	15.0	14.8%
4.	РИАТ «Ғалла банк»	10.0	9.8%
5.	АИТ «Ипак йўли» банки	6.5	6.4%
6.	АТ «Ҳамкорбанк»	3.0	3.0%
7.	АТ «Алоқа банк»	5.0	4.9
8.	ХЕТАТ «Парвина банк»	3.0	3.0%
9.	ХОТАТ «Капитал банк»	2.0	2.0%
10.	ХОТАТ «Кредит Стандарт банк»	2.0	2.0%
11.	ХОТАТ «Алп Жамол банк»	2.0	2.0%
12.	«Узприватбанк» қўшма банки	1.5	1.4%
13.	ХОТАТ «Равнақбанк»	1.45	1.4%
14.	АТ «Гадбиркорбанк»	0.5	0.5%
Жами:		101.55	100.0

10-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг
муомалага акциялар чиқариш тўғрисида маълумот**

№	Тижорат банкининг номланиши	Умумий эмиссиядаги улуши
1.	АТ «Пахта банк»	15,4%
2.	АТ»Ўзсаноатқурилишбанк»	12,57%
3.	ДАТ «Узуйжойжамғармабанк» (ҳозир «Ипотека банк»)	9,7%
4.	ДАТ «Асака банк»	6,75%
5.	АТ «Ҳамкорбанк»	6,53%
6.	РИАТ «Ғалла банк»	6,16%

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг
тутган ўрни (млн. сўмда)**

№	Солиқлар ва солиқ тўловлари	Йиллар					
		2002 й		2003 й		2005 й (прогноз)	
		Сўм	%	Сўм	%	Сўм	%
I	Мақсадсиз фондлар-жами	1777896,9	74,2	2309000,0	73,8	2621300,0	73,7
1.	Қўшилган қиймат солиғи	508867,2	25,3	642700,0	26,4	604270,0	23,1
2.	Акциз солиғи	478533,3	24	610600,0	26,6	751567,3	28,7
3.	Юридик шахслардан олдинадиган даромад (фойда) солиғи	164727,0	11,3	198300,0	10,0	182186,2	7,0
4.	Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ	214791,8	12,8	30300,0	13,0	334203,4	12,7
5.	Жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган солиқ	40550,3	2,1	46400,0	2,2	36427,5	9,4
6.	Мол- мулк солиғи	55087,1	3,0	52500,0	2,2	74316,6	2,1
7.	Ер солиғи	45388,3	2,9	60500,0	2,0	76166,9	2,1
8.	Ер ости бойликларида фойдаланганлик учун солиқ	15309,6	0,7	24300,0	0,9	43295,1	1,6
9.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	7133,3	0,4	8200,0	0,3	12145,7	0,5
10.	Экология солиғи	43250,7	2,2	63600,0	2,5	54176,0	2,1
11.	Божхона солиғи	29855,9	1,4	44300,0	1,7	60745,6	2,3
12.	Бошқа даромадлар	174402,4	9,2	68700,0	5,7	64433,4	2,5
II	Мақсадли фондлар	630229,8	25,8	778328,1	26,2	936386,6	26,3
	Жами бюджет даромади:	2408126,7	100	3087328,1	100	3557686,6	100